



«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

МУВАФФАҚИЯТЛАР ТАСОДИФ ЭМАС, АММО ҒАЛАБА ҲАМ ОСОН КЕЧМАГАН



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам барпо этилган замонавий болалар спорт мажмуаларида ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун кенг имкониятлар муҳайё қилинган. Ёшларнинг яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишида эса маҳаллаларнинг урни катта бўлмоқда. Бунинг биринчи Бағдод туманидаги «Иргол» ҳамда Риштон туманидаги «Чиннигарон» маҳалла ёшларининг бу йилги «Футболимиз келажи» анъанавий турнирининг республика финал босқичидаги зафари ҳам исботлаб турибди.

ШУКРОНА

ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ ҲАЙРАТЛАРГА ЧУЛҒАЙДИ

Юртимизда бунёдкорлик кенг қулоч ёзган айни кунларда ўқув масканларининг ҳар томонлама шинам, замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланганини кўриб, завқланиб қолган киши.



Мақтаблар-ку майли, касб-хунар коллежларининг олий ўқув юртиларидан қолганидан даражада шаклланиб бораётганига нима дейсиз?!

Айни кунларда набиром Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежида таҳсил олмақда. Ҳар кунни дарсдан сунг кутубхонага бориб, истаганча китоб ўқийди. Компьютер орқали дунё янгиликларидан зумда хабардор бўлади. Яратилган имкониятлар натижасида набиром ва унинг тенгдошлари саводли, тафаккурли, ихтирочи, маърифатли бўлиб вояга етмоқда. Бундай шароитларни биз фақат орзу қилганимиз, холос.

Мақкур касб-хунар коллежи Чилонзор туманидаги ўзим истиқомат қиладиган «Яккатут» маҳалласида жойлашган. Ўқув биноси замонавий техник воситалар, амалиёт устахоналари, спорт зали, лаборатория хонаси билан таъминланган. 1438 нафар ўқувчи бу масканда телерадио аппаратлари ўсти, маиший хизмат техникаларини соловчи, компьютер муҳандиси, электр жиҳозлари ҳамда тармоқларнинг монтажлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича техник электрик, бухгалтерия йўналишлари бўйича

Маҳалламиз жамоаси турнирнинг 13-14 ёшли футболчилар уртасидаги беллашувада биринчи ўринни эгаллагани нафақат бизни, балки барча фарғоналикларни қувонтирди, — дейди «Иргол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуъмонжон Қурбонов. — Албатта, голиб бўлиш осон кечгани йўқ. Минтақавий босқичларда кечган баҳслар ҳам муросасиз қурашларга бой бўлди. Лекин ёшларини бир мақсад йўлида бирлаштири олиганимиз, устоз-мураббийларнинг йўл-йўриқлари нуфузли мусобақада уз сўзини айтди. Қувонарсиз, жамоамизнинг зафаридан кейин маҳалла ўйингоҳида тўп сураётган ёшлар сафи икки-уч ҳиссага кўпайди.

Дарҳақиқат, «Иргол»нинг 13-14 ёшли футбол жамоаси яшил майдонларда иродали, ишончли ғалабаларни қўлга киритди. Республика босқичида жамоа таркибида тўп сурган Достон Қурбонов «Энг яхши дарвозабон», Шермуҳаммад Мирсаидов эса «Энг яхши ҳужумчи» сифатида эътироф этилгани ҳам жамоа салоҳиятини кўрсатиб турибди. Тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли умргузаронлик қиладиган маҳаллада ёшларни қўлаб-қувватловчи, бир мақсад йўлида бирлаштирувчи қўлаб спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Утган йилда маҳалла ҳудудидаги 30-умумтаълим мактабида Болалар спорти-

ни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий спорт мажмуаси қуриб берилди. Айни кунда бу ерда 500 нафардан ортиқ маҳалла ёшлари спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, бадний гимнастика сингари турлари бўйича тугараклари мунтазам иштирок этишмоқда. Маҳаллада камол топган Салоҳиддин Имомов Шарқ якка кураш спорт турида Испанияда ўтказилган «Евроосиё» чемпионатида 2-уринни қўлга киритгани бу ерда болалар спортга бўлган эътибордан яна бир нишонадир.

Риштон туманидаги «Чиннигарон» маҳалла ёшлари «Футболимиз келажи» нуфузли футбол турнирида иккинчи бор зафар кўчишти. Улар дастлаб 2009 йилда 13-16 ёшли маҳалла ёшлари уртасида голибликни қўлга киритишган бўлса, бу галги турнирда энг кичик — 9-10 ёшли футболчилар беллашувида акаларидан кам эмасликларини амада кўрсатишти. Ҳаттоки, жамоа аъзоси Осимжон Абдуваҳобов мусобақанинг «Энг яхши ҳужумчиси» деб топилди. — Истиқлол шарофати билан таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли иш-хотлар самарасида фарзандларимиз умумтаълим мактабларида таълим олиш баробарида, спорт билан мунтазам шугулланиш имконига эга бўлмоқдалар, — дейди «Чиннигарон» маҳалла футбол жамоасининг мураббийи Акмалжон

Ортиқов. — Ҳудудимиздаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган футбол тугараклари доимий фаолият юритмоқда. Бу ерда 30 нафардан ортиқ маҳалла ёшлари футбол сир-асрорларини урганишмоқда. Болаларнинг футболга бўлган қизиқиши, интилишлари ва эришган ютуқларини ҳисобга олиб, туман мутасаддилари маҳалла ҳудудида спорт майдони қуриш учун жой ажратиб беришти. Айни кунда сунтий қўламли ўйингоҳ қуриш бошлаб юборилди. Бу борадаги ишлар поёнига етса, маҳалламизда болалар футболини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни кашф этиш имкониятлари янада ортади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла ёшларининг эришяётган муваффақиятлари тасодиф эмас, албатта. Бу яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, тинимсиз меҳнат ва маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари маҳсулидир. Шунинг баробарида, ёшларнинг иштиёқ ва интилишлари, ота-оналарнинг хайрихоҳликлари эришилган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда. Зеро, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги маҳаллаларда спортга ошно тутилган ёшларнинг қўлайиб бораётгани жисмоний тарбия ва спорт навқирон авлоднинг қўламли ҳаётига айланганидан далолатдир.

Расул КАМОЛ «Mahalla»



Ҳукумат қайта иш бошлади

АҚШ Президенти Барак Обама ҳукумат идораларини молиялашни қайта бошлаш ва давлат қарзлари лимитини оширишни кўзда тутадиган ҳужжатга имзо чеккан.



Аввалроқ демократлар ва республикачилар фракциялари орасида эришилган келишувни Қуйи палата, кўпчилик республикачилар овоз беришдан бош тортишларига қарамай, 285-144 овоз билан тасдиқлаган. Сал аввалроқ мазкур қонун лойиҳасини Сенат тасдиқлаган. 18 сенатор қарши чиққан бўлса, 81 нафари уни қўлаб-қувватлаган.

«Випха» тин одди

Японияда «Випха» тўфони 28 нафар кишини ҳаётдан олиб кетди.



Яна 27 нафар киши бедарак йўқолиб, деб топилди. Жорий ҳафтада қудратли тўфон мамлакатнинг марказий қисмига кўткү солди. Тинч океанидаги Идзосима оролидаги аҳоли массивларидан биридаги упирилиш оқибатида 300 тадан кўпроқ уй бузилган ёки кучли талафот курган.

Янги авлод уловлари

«Volvo» компанияси автомобилнинг кузов деталларини... аккумулятор батареяларига айлантирмоқчи.



Маълумки, катта ва оғир аккумуляторлар электромобилларнинг асосий муаммоларидан бири саналади. Муҳандислар ушбу масалани инновацион материал ёрдамида ечишмоқчи.

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

ЭЪЛОН

Фарғона вилояти Тошлоқ туманида автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси қурилиши учун тендер танлови ўтказилади.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

Мустақиллик тенгдоши жаҳон чемпионатида



Тазквондо (ITF) бўйича биринчи дан қора белбоғ соҳиби Суннатилла Жалилов Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласида истиқомат қиладди.

Ваган шарофати янада улғушлини мақсад қилган Суннатилла бирин-кетин турли халқаро мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритаётган. Мустақилликка тенгдош спортчимиз етти қарра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионати совриндори, Амир Темур халқаро турнири голиби, жорий йилда Испанияда ўтказилган жаҳон чемпионати олтин медали соҳиби бўлди.

— Суннатилла Жалилов маҳалламиз ифтихоридир, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масла-

ҳатчиси Маҳмуда Тиллаева. — Ўзи ёш бўлишига қарамай, йиғинимиз болаларини ҳам спортга ошно тутинишга, эзгу ишларга интилишга ундайди. Ҳудудимиздаги спорт майдончасида уларга машгулотлар ўтади. Ортидан эргашяётган болаларимиз спортнинг барча турлари бўйича тугаракларга қатнай бошладилар. Яқинда 3-синфда ўқийдиган Азизмурод Шахбозов муз устида учинчи бўйича жаҳон чемпиони бўлиб, барчамизни қувонтирди.

— Суннатилла тазквондо билан саккиз ёшдан шугулланишни бошлаган, — дейди чемпионнинг мураббийи Ойбек Жалилов. — Яқинда пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида болалар, ўсимирлар, ёшлар, хотин-қизлар ва катталар уртасида тазквондо (ITF) бўйича ўтказилган «Мустақиллик кубоги» республика турнирида С.Жалилов 78 килограмм вазн тоифасида олий ўринга муносиб, деб топилди ва жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритди.

Соғлом муҳитда ўсган ҳар қандай авлод нафақат жисмонан, балки ақлий жиҳатдан ҳам салоҳиятли бўлиб улғаяди. Ана шундай мукамалликка эришган Суннатилла ўқишда тенқураларидан анча илгару. Ўқитувчиларининг айтишича, у жуда одо-ахлоқли, интилувчан, хорижий тилларни урганишга иштиёқли балинд ёшлардан. Шу боис С.Жалилов каби ўғлонларимиз билан ҳар қанча фахрланасан қарзийди.

Дилдора ҚАРШИБОВА «Mahalla»

БОКС

Рингдаги ғалаба

Қозғонистонда ташкил этилган XVII жаҳон чемпионатида яна икки боксчимиз дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтди.

Вазни 56 килограмм бўлган боксчилар уртасида ҳамюртимиз Ш.Исоқов биринчи учрашувда непалик Д.Шрестани катта устунлик билан енгди. Энди у мазкур чемпионатнинг нимчорак финал йўланмаси учун навбатдаги баҳсда қирғизистонлик Ҳумроқ Малабеков билан куч синашди.

Яна бир боксчимиз А.Абдуғофуров ҳам иккинчи даврага йўланма олди. 75 килограмм вазн тоифасида рингга чиқётган ҳамюртимиз илк учрашувда Сейшел ороллари терма жамоаси вакили Й.Жеанин биринчи раундда техник нокаутга учратди. А.Абдуғофуров кейинги жангини тожикистонлик Н.Жафоевга қарши ўтказди.

Йўлдош МАНСУРОВ, журналист.

«Mahalla» ҳар бир хонадонга!

Ҳурматли юртдошлар! Жорий йилнинг 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга! акцияси ўтказилади. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйидаги купонни тўлдириб, тахририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.

Жалар газетанда эълон қилинади. Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маиший техника буюмлари билан тақдирланади. Ютуқ эгалари газетата йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна қитванчасини, агар обуна ҳолий ташкилотлар қўмағида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғрисидаги тўлов-топишиқноманинг аслини кўрсатишлари шарт.

Form with fields: Исм-шариф, Манзил, Телефон, Обуна бўлган сана. Includes a large 'Mahalla' watermark and '3-КУПОН' and '«ОБУНА 2014»' labels.

Газетанинг навбатдаги сони 26 октябрь шанба кунини чоп этилади.



БУГУНИНГ ГАНИ

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИДИР



Ушбу сурат.

**< [1]** Тинч ва осуда юрта туйлар ярашади. Яқинда шахримиз — кўхна ва ҳаммаша навқирон Самарқанда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали тўққизинчи марта ўтказилди.

биргина далилнинг ўзиёқ, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига қизиқиш ортаётгани, унинг мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдаги аҳамияти беқиёсдиги, юртимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганининг ёрқин исботидир.

Фестиваль иштирокчилари туманимизда янги ташкил этилган «Қирқ дархон» аҳоли масивиде бўлиб, концерт дастурларини намойиш этишди. Меҳмонлар маҳалланинг замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган турар-жойларини кўриб, ҳайрат ва ҳавасларини яширолмадилар. Аҳолининг фаровон турмуш тарзи, кўтаринчи кайфиятидан руҳландилар. Бозорларимиздаги тукиликдан шодланиб, мамлакатимиздаги маъмурият ҳаётга ҳавас қилдилар.

Дарҳақиқат, 269 та ҳовли жойдан иборат янги аҳоли масиви ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Бу ердаги йирик савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 25-умумтаълим мактаби, қишлоқ врачлик пункти, стадион, сўлим дам олиш жойидан иборат маҳалла маркази аҳоли хизматида. Массивнинг раво кўчала-

ри, юксак дид билан яратилган ландшафт-архитектураси маскани янада гўзаллаштирган. «Қирқ дархон» аҳолиси бундай қўлайликлардан шодланиб, Президентимизнинг одилона сиёсатларидан мамнуликларини изҳор этишмоқда.

Халқимизда бир одат бор. Қўшнинг уйдан йиғи эшитилса, ён-атрофдагиларнинг ҳам ҳаловати ариб, унинг қайғусига малҳам излашади. Таъкидлаш жоизки, узоқдаги қариндошдан, яқиндаги оқибатли қўшниси афзал кўрадиган халқимиз Афғон дёрида 30 йилдан зиёд вақт давом этиб келаётган қарама-қаршиликдан жиддий ташвишда. Ҳарбий ҳаракатлар афғон халқининг ҳаёти янада оғирлаштириб юборгани ён қўшни сифатида мамлакатимиз аҳлини ҳам ҳавотирга солади. Қолаверса, афғон можароси бутун минтақага хавф туғдираётган таҳдид ва хатарлар учоғига ҳам айлиб бораётганини давлатимиз раҳбари бир неча бор жаҳон минбарларида туриб таъкидладилар, бу ердаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларига дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этмоқдалар. Жорий йил Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Президентимиз-

нинг журналистларга берган интервьюсида ҳам бу борада аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» номи остида чоп этилган мазкур рисолада минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий ҳулоса ва таклифлар бутун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам ақс-садо бермоқда.

Инсоннинг ирқи, тили, дини, келиб чиқишидан қатъи назар, бир хил ҳақ-ҳуқуққа эгалити, ҳар қандай эзгу ташаббуснинг қизгин қўллаб-қувватланаётгани давлатимиз раҳбарининг пухта ўйлаб амалга ошираётган инсонпарвар сиёсати натижаси эканини бутун барчамиз теран ҳис қиламиз. Президентимизнинг ҳур фикр ва эзгу гоялар асосига қурилган доно сиёсатидан мамнун халқ эса кенг кўламли ислохотлар ривожига ўзининг бор салоҳияти, гайрат ва шижоатини сафарбар этаверади.

Даврон РАҲМАТУЛЛАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Оқдарё тумани бўлини раиси.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

# ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ КЎМАК БЕРИЛДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

**Кейинги йилларда барча соҳада бўлгани каби, маҳалла тизимида ҳам фуқаролар муурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келаётган хат ва аризалар, шикоятлар мазкур йўналишни тартибга солувчи қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар доирасида, белгиланган муддатларда кўриб чиқишлиши таъминланаётир. Бундан Наманган вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

Чортоқ туманидаги «Тинчлик» маҳалласида яшовчи Зулфия Ҳакимова турмуш ўртоғининг вафотидан сунг рўзгор тебратилганда айрим қийинчиликларга дуч келди. Саккиз жон яшайдиган катта оилада етишмовчилик бўлиши табиий ҳол, албатта. Боз устига, қизи Гулчехра II гуруҳ ноирони. Тўғри, томорқадан олинган дарама, нафақа пулларини амалаб етказишга ҳаракат қилинган, лекин бу билан моддий масалаларни тулик ҳал етломади. Натияжада, юқори ташкилотларга ариза ёзишга тўғри келди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Наманган вилояти бўлимига келиб тушган ушбу муурожаат мутасаддилар томонидан жойига чиқиб ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам унга амалий ёрдам бериш лозимлиги ойдинлашди. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан моддий ёрдам ажратиш чоралари қўриқилиши баробарида Ишчи гуруҳи томонидан унга бошқа ҳуқуқлари ҳам тушунтирилди.

Бугунги кунда Фонднинг вилоят бўлимида қайд этилаётган ариза ва бошқа муурожаатларнинг аксарияти худди шу каби масалаларни қамраб олмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Фонднинг бўлим ва бўлинималарига жами 1596 та ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 1370 тасидан айнан моддий ёрдам сўралган.

Мазкур муурожаатлар асосида ҳозирга қадар биргина Фонд тизими томонидан 1082 нафар фуқародан сунг рўзгор тебратилганда айрим қийинчиликларга дуч келди. Саккиз жон яшайдиган катта оилада етишмовчилик бўлиши табиий ҳол, албатта. Боз устига, қизи Гулчехра II гуруҳ ноирони. Тўғри, томорқадан олинган дарама, нафақа пулларини амалаб етказишга ҳаракат қилинган, лекин бу билан моддий масалаларни тулик ҳал етломади. Натияжада, юқори ташкилотларга ариза ёзишга тўғри келди.

Таъкидлаш жоизки, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич утилаётган ҳозирги даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муурожаатлар сони ҳам ортаётир. Бу, албатта, одамларнинг маҳалла институтига бўлган ишончидан далолатдир. Шу боис биз фаолиятимиз давомида барча муурожаатга чуқур ёндашишга, уларда кўтарилган масалаларга ҳолис ва одилонан ечим топишга интиламиз. Зеро, ҳар бир ариза ёқи шикоят ортида инсон тақдирини, унинг оруз-умидларини, илжини борлигини доим дилдан ҳис этамиз.

Шухратжон КЕНЖАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси уринбосари.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

# Ютуқлар — интилишлар самараси

**«Обод турмуш йили» Давлат дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилдиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирлари белгиланган.**



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Албатта, бу каби кенг кўламли вазибаларни амалга ошириш «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлинималаридан ҳам ўзига хос масъулиятни талаб этади. Бундан қўшунган бўлинимиз ходимлари томонидан Давлат дастури ҳамда Фонд иш режасида белгиланган устувор вазибаларнинг ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Когон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежиде фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 21 та фуқаролар йиғинидан 68 нафар ходим қатнашди.

Тадбирда туман ҳокимлиги, молия бўлими, Бандликка кўмаклашиш ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби, бу борадаги тегишли меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, аҳоли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда кам таъминланган оилаларни аниқлаш ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлиги, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш бо-

расида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Албатта, бўлинимиз ўз фаолиятида фақатгина тушунтириш, тарғибот ишлари билан чекланаётгани йўқ. Аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳам доимий эътиборда. Мазкур мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида бўлинимиз маблағлари ҳисобидан имконияти чекланган фуқароларга бешта ногиронлик арачаси, 10 га яқин қўлтиқтаёқ, 8 та қўл ҳассаси, 35 нафар ёлғиз қария ва боқувчисини йўқотган фуқарога 10 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Бу каби ишлар, биринчи навбатда, маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ортиши, улар фаолияти такомиллашувига хизмат қилади. Утган давр мобайнида йиғинларимизнинг вилоят миқёсида эришган бир қатор ютуқлари, хусусан, «Сухор» маҳалласининг «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танлови, «Футболмиз келажак» турнирларида вилоят миқёсида гойибликни қўлга киритиб келаётгани ана шу интилишлар самарасидир.

А.БАҲРОНОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бўхоро вилояти Когон туман бўлини раиси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ШАҲАР БИЛАН БЎЙЛАШАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

< [1]

Қолаверса, унда ҳуқуқий асосланган яна бир имконият — қишлоқ ва овуларда кўрсатиладиган сартарошлик, гўзаллик салонлари, кийим-кечак тикиш ва таъмирлаш, йўл инфра-тузилмаси комплекслари хизматлари, компьютер дастурлаш бўйича (шу жумладан, маслаҳатга оид) хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар энди 2017 йилнинг 1 январигача фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўловидан озод этилган ҳам ҳўжайилик ишбилармонларни гайрат ва ташаббусга ундамоқда.

Ушбу меъёр кир ювиш, кийимни кимёвий усул билан тозалаш корхоналари хизматлари ҳам таалуқий эканидан хабар топан шижоатли кишилар аҳолининг оғирини енгиллаштириш ҳисобидан ўз бизнесини муваффақиятли юритишни бошлаб юборишди.

Туманининг Найманкўл овул фуқаролар йиғинидаги манзаралар қишлоқ аҳлининг турмуши шаҳарликлар ҳаётидан кам эмаслигидан далолат беради.

Йиғин фаоллари кўмағида 1 459 та оиланинг фаровон ҳаёт келтириши учун муносиб шароитлар яратишга кўмаклашаётган тадбиркорларнинг иши бароридан келмоқда.

— Президентимизнинг маҳалла институтига алоҳида ишонч билдириб, улкан ваколат ва ҳуқуқлар бераётгани боис, овулимизда оилавий бизнес тобора тараққий этаётир, — дейди фуқаролар йиғини раиси Қалпақбой Таганбердиев. — Айниқса, овулимизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг тури ва сони ортаётгани қувонарлидир. Бугун найманкўликлар 5 та озиқ-овқат дўкони, учта тиббиёт муассасаси хизматидан баҳрамандлар. Овул болалари мактабга таълим муассасаси, 6 та мактаб ва касб-ҳунар коллежиде таълим тарбия олмақда. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, инчунин, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида қатор ваколатлар бериш баро-

бирида масъулият ҳам юклатилгани биздан янада фаолиқ талаб этмоқда. Бевоқиф кўмағимиз билан ҳудудда 4 та тегирмон, 2 та компьютер ўқув маркази, 6 та озиқ-овқат дўкони ишга туширилди. Овул аҳли учун 320 нўқтага эга замонавий телефон станцияси хизмат кўрсатмоқда. Дори-дармон учун ҳам аҳоли энди узоққа бормади.

Дарҳақиқат, сўлим Найманкўлнинг бугунги кўрку жамолини, овулда истиқомат қилаётган кишиларнинг уйғоқ қалби, теран дунёқарашини истиқлолдан олдинги манзаралар билан мулқла қиёслаб бўлмайди. Президентимизнинг доимий гамҳўрлиги туфайли ҳудуд инфра-тузилмаси жадал тараққий этиб, аҳолига юқори сифатли алоқа, сервис, транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилгани, табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти яхшилангани туфайли Найманкўл тобора ободликка юз тугиб, кенту шаҳарлар билан бўйлашмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»



## Ҳурматли тадбиркорлар!

# «Асака» банк (ОАЖ)

<p><b>«Export Import Bank of Korea» (Корея) ва «Commerzbank AG» (Германия)</b> кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.</p> <p>Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:</p>	
<p><b>Лойиҳалар</b></p>	<p>Саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа</p>
<p><b>Қарздор</b></p>	<p><b>«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича</b> «Навий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудиде Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар; «Навий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудиде Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган Корея капитали иштирок этмаган компаниялар.</p> <p><b>«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича</b> Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари.</p>
<p><b>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</b></p>	<p><b>«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича</b> Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун: — ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш; — стратегик инвестициялар.</p> <p>Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун: — ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; — ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш.</p> <p><b>«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича</b> Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.</p>



Маълумот учун телефонлар:  
8 (371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққийтишининг муқтаҳкам таяғичи!

Хизматлар лицензияланган.



Вазирлар Маққамасининг  
2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорига  
2-ИЛОВА

# Фуқаролар йиғини хузуридаги тафтиш комиссияси тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Фуқаролар йиғини хузуридаги тафтиш комиссияси (кейинги ўринларда Тафтиш комиссияси деб аталади) фаолиятини тартиб-га солади.

2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан молиявий-хўжалик фаолияти соҳасида етарли билим ва тажрибга эга бўлган фуқаролар йиғини аъзолари орасидан камида уч нафар тартибда яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

3. Тафтиш комиссиясининг мақсади фуқаролар йиғини молия-хўжалик фаолиятини текширишдан иборат.

4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга, фуқаролар йиғинининг қарорларида ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

5. Тафтиш комиссияси ўз текширишларини фуқаролар йиғини қарорига мувофиқ амалга оширади. Тафтиш комиссияси режадан ташқари текширишларини фуқаролар йиғини аъзолари камида учдан бир қисмининг сўровига биноан ўтказиши мумкин.

6. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақиллик ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдордир.

## II. Тафтиш комиссиясининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Тафтиш комиссияси:  
— фуқаролар йиғини органлари томонидан фуқаролар йиғини мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш, жумладан, пул маблағларининг мақсади ва манзилли сарфланиши ҳолатини текширади;  
— фуқаролар йиғини органлари томонидан ҳисоб-киتاب ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилишини текширади;  
— фуқаролар йиғини томонидан ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишига текширади;  
— текшириш натижаларини таҳлил қилади ва фуқаролар йиғинига тақлифлар ва хулосалар қилилади.

Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун фуқаролар йиғинига киритади.

8. Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар қордаги ёки бошқа даврдаги фаолияти якунлари буйича фуқаролар йиғини қарорига мувофиқ текширади.

Фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколат мuddати якуни буйича мажбурий амалга оширилади.

9. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
— текшириш ўтказиш буйича йиллик иш режаларини тузиш ва тасдиқлаш учун фуқаролар йиғинига қиритиш;  
— текшириш ўтказиш шакллари ва усуллари мустақил белгилаш;  
— текшириш ўтказиш учун зарур бўлган, шунингдек, фуқаролар йиғини томонидан ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятига доир ёзма маълумотлар олиш;  
— зарур ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил аудиторлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

— молия-хўжалик ва ҳисоб-киتاب ҳужжатларини текшириш, зарур ҳолларда хонадонларга бориб маълумотларини солиштириш;  
— фуқаролар йиғини номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрактлар билан ҳисоб-китабларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;  
— молиявий-хўжалик фаолиятида белгиланган норматив кўрсаткичлар ва қоидаларга риоя

қилинишини текшириш;  
— фуқаролар йиғини мол-мулкдан фойдаланишининг ҳолатини ўрганиш;  
— текшириш давомида аниқланган ҳолатлар буйича моддий жавобгар шахслардан тушунтиришлар олиш;  
— молия-хўжалик фаолиятида аниқланган камчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари буйича фуқаролар йиғинини қақриш тўғрисида тақлиф қиритиш;  
— фуқаролар йиғини кенгаши ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғриллигини, уларнинг қонун ҳужжатлари талабларига ва фуқаролар йиғини қарорларига мувофиқлигини текшириш;

— солиқ инспекцияси, статистика органлари ва бошқа ваколатли давлат органлари учун ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилаётганини текшириш;  
— фуқаролар йиғинининг молиявий ҳужжатларини, мол-мулк хатлови буйича маълумотларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;  
— юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг мавжуд норматив қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

— молия-хўжалик ҳисоботини белгиланган тартиб асосида юритиш буйича тавсиялар бериш.  
Тафтиш комиссиясининг талабига кура фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолияти учун масъул шахс зарур ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

10. Тафтиш комиссияси қуйидаги мажбуриятларга эга:  
— текширув ўтказишда қонун ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига қатъий амал қилиш;  
— ўтказилган текширув натижаларига доир хулосалар нусхаларининг белгиланган тартибда сақланишини таъминлаш;

— фуқаролар йиғинига амалга оширилган текширишлар натижалари юзасидан ёзма ҳисоботларни ўз вақтида етказиш;  
— ўз вазифаларини бажариш пайтида Тафтиш комиссияси аъзоларига маълум бўлган сир сақланадиган маълумотларини ошкор қилмаслик.  
Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари текширув мавзусига таалуқ бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни пухта текширишга мажбур.  
Тафтиш ўтказилаётган вақтда ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш тафтиш комиссияси раиси зиммасида бўлади.

## III. Тафтиш комиссияси фаолиятини ташкил этиш

11. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловидан сўнг бир ой ичнда Тафтиш комиссиясини тузади, Тафтиш комиссия аъзолари ва раисини сайлайди.

Тафтиш комиссияси таркибига номзоди кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғинида ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Овоз бериш Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳар бир номзод буйича алоҳида ўтказилади.

Тафтиш комиссияси раиси ва унинг аъзолари икки ярим йил муддатга сайланади.  
Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак.  
12. Тафтиш комиссияси раиси ёки аъзоси қуйидаги ҳолларда фуқаролар йиғинининг қарори билан Тафтиш комиссия таркибидан чиқарилади:  
— ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;  
— ушбу Низомда назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда ўзрли сабабларсиз бажармаганда;

— Тафтиш комиссияси фаолиятига таалуқли масалаларга доир фуқаролар йиғини мажлисларида ўзрли сабабларсиз иштирок этмаганда, унинг топириқларини бажармаганда;  
— фуқаролар йиғинининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноқўя ишлар содир этганда;  
— белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, деб топиладган ёки муомала лаёқати чекланганда;  
— суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;  
— суднинг қонуний кучга қирган қарори билан бедарак йўқол-

ган, деб топилганда ёхуд вафот этган, деб эълон қилинганда;  
— Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;  
— белгиланган тартибда бошқа ҳудудга кўчиб кетганда;  
— соғлигининг ҳолати ёки бошқа ўзрли сабабларга кура уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;  
— вафот этган тақдирда.

Тафтиш комиссияси раиси ёки аъзоси Тафтиш комиссияси таркибидан чиқарилганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) бир ой муддат ичнда Тафтиш комиссиясининг янги раиси ёки аъзосини сайлайди.  
13. Тафтиш комиссиясининг мажлиси унда Тафтиш комиссияси аъзоларининг ўчдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг дололатномалари ва хулосалари мажлисда қабул қилинганларнинг оқдиди қатъий ҳисобга олиниши таъминланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари Тафтиш комиссиясининг қарорига рози бўлмаганда мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайда эттиришга ва уларни фуқаролар йиғинига, фуқаролар йиғини кенгашига етказишга ҳаққидирлар.

14. Тафтиш комиссияси раиси:  
— Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказиши;  
— Тафтиш комиссиясининг жорий ишларини ташкил қилиши;  
— фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида Тафтиш комиссияси номидан вақил бўлади;

— Тафтиш комиссияси номидан чиқариладиган ҳужжатларини имзолайди;  
— йилнинг ҳар қоригада амалга оширилган ишлар буйича фуқаролар йиғинига ҳисобот беради.

15. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтининг ўзида фуқаролар йиғини бошқа ўрганларининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

## IV. Тафтиш комиссиясининг ҳулосаси

16. Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари асосида қуйидагиларни ўз ичига олган ҳулоса тайёрлайди:  
— ҳисоботлардаги ва бошқа молиявий ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончли ва тўғри эканлигига берилган баҳо;

— бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тақдим этиш тартиби бузилганлиги ҳолатлари, шунингдек, қонунбузилиши фактлари тўғрисидаги маълумот;  
— аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш юзасидан тавсиялар, шунингдек, фуқаролар йиғини молиявий фаолияти самардорлигини оширишга оид тақлифлар.

17. Тафтиш комиссияси ҳулосаси Тафтиш комиссиясининг раиси ва аъзолари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва фуқаролар йиғини бухгалтерия ҳисобини юритиш учун фуқаролар йиғини раиси тавсияси асосида фуқаролар йиғини кенгашининг қарори билан белгиланган масъул шахс томонидан имзоланади.

18. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш учун масъул шахс Тафтиш комиссияси ҳулосаси буйича эътироз билдирган тақдирда, ҳулосага имзо қўйиш билан бир вақтда ўз эътирозини илова қилиши мумкин.

19. Текшириш натижалари буйича тузилган ҳулосага нисбатан бидадирилган эътирозлар буйича Тафтиш комиссияси ўз фикрини билдирди.

20. Тафтиш комиссияси ҳисоботи фуқаролар йиғинида қўриб чиқилмагунча учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

## V. Якунловчи қоидалар

21. Тафтиш комиссиясини тузатиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш, тегишли фуқаролар йиғини бирлаштирилганда, бўлинганда, тутатилганда ва чегаралари ўзгартирилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси (кейинги ўринларда Яраштириш комиссияси деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Яраштириш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

## II. Яраштириш комиссиясининг мақсади ва асосий вазифалари

4. Яраштириш комиссиясининг мақсади фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжихатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

5. Қуйидагилар Яраштириш комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
— оилавий низолар, ёшлар тарбиясига эътиборсизлик ҳолатлари, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг турли ёт гоғлар таъсирига тушиб қолиши, ички-қозилик ҳамда гиёҳвандлик иллатларига берилиши, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши — оилалар барбод бўлишининг асосий сабабларидан бири эканлигини, оилалардаги тинч-тотувлик маҳаллалардаги маънавий муҳит барқарорлигини, шунингдек, оиланинг соғломлиги ҳамият мустаҳкамлиги ҳамда мамлакат барқарорлиги билан узвий боғлиқлигини фуқароларга тушунтириш ва йиғилишларда муҳокама этиб бориш;

— йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлашга кўмаклашиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш буйича тарғибот ишларини ташкил этиш, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган ташвиқот ишларини амалга ошириш;  
— эр-хотин, қайнона ва келин, яқин қаринодошлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги низоларни бартараф этиш, бузилган муносабатларни тиклашга доир амалий чоралар қуриш;  
— миллий қадриятларимизга эътибор бериш, қўни-қўшнилик муносабатлари ҳамда маҳалладаги осойишталикнинг бузилишига сабабчи бўлаётган оилаларни, турли ноқўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида оилаларнинг турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш чора-тадбирлари амалга оширилишини ташкил этиш;

— алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишга доир профилактика тадбирларини амалга ошириш;  
— ички ишлар органларининг профилактик ҳисобиде турган, айниқса, илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи, турли ёт гоғлар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактика ишлари оила боришда иштирок этиш;  
— жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш;

— намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни омаллаштириш;  
— тўғлар ва бошқа маросимларни ихчам, кенг аҳоли манфаатларини, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган кўймаслик;

— маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилиши, фуқаролар қадр-қимматининг камситилиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;

# Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

ҳолда ўтказишни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва бу борадаги ижобий тажрибаларни омаллаштириш.

Яраштириш комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6. Яраштириш комиссияси ўз вазифаларини амалга оширишда фуқаролар йиғини ҳудуддаги ички ишлар органлари профилактика инспектори, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари буйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қилади.

7. Яраштириш комиссияси ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда Яраштириш комиссияси аъзолари томонидан оммавий ахборот воситаларида чиқишларни ташкил этиши мумкин.

## III. Яраштириш комиссиясининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари

8. Яраштириш комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш тўғрисида, зарур ҳолларда маълумотларни жойига бориб ўрганиш ҳақида фуқаролар йиғинига тақлифлар қиритиш;  
— фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида қўриб чиқиш учун тақдим этиш;

— маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳитни ўрганиш ва улардаги ҳолат тўғрисида тўлиқ маълумот олиш учун фарзанд-тинч-тотувлик маҳаллалардаги маънавий муҳит барқарорлигини, шунингдек, оиланинг соғломлиги ҳамият мустаҳкамлиги ҳамда мамлакат барқарорлиги билан узвий боғлиқлигини фуқароларга тушунтириш ва йиғилишларда муҳокама этиб бориш;  
— йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлашга кўмаклашиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш буйича тарғибот ишларини ташкил этиш, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган ташвиқот ишларини амалга ошириш;  
— эр-хотин, қайнона ва келин, яқин қаринодошлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги низоларни бартараф этиш, бузилган муносабатларни тиклашга доир амалий чоралар қуриш;  
— миллий қадриятларимизга эътибор бериш, қўни-қўшнилик муносабатлари ҳамда маҳалладаги осойишталикнинг бузилишига сабабчи бўлаётган оилаларни, турли ноқўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида оилаларнинг турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга барҳам бериш чора-тадбирлари амалга оширилишини ташкил этиш;

— алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишга доир профилактика тадбирларини амалга ошириш;  
— ички ишлар органларининг профилактик ҳисобиде турган, айниқса, илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи, турли ёт гоғлар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактика ишлари оила боришда иштирок этиш;  
— жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш;

— намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни омаллаштириш;  
— тўғлар ва бошқа маросимларни ихчам, кенг аҳоли манфаатларини, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган кўймаслик;

— маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилиши, фуқаролар қадр-қимматининг камситилиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;

— фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғини ва кенгашининг қарорларини амалга таъбиқ этиш орқали маҳалланинг нуфузи, обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ва таъсирини ошириш;  
— йўналиши буйича тарғибот ишларини самарали ва мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

— қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида фуқаролар йиғини кенгашига тақлифлар қиритиш.

10. Яраштириш комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ҳамда мажбуриятларини бажариши мумкин.

11. Яраштириш комиссиясига аён бўлган сирларнинг фуқаролар ошкор қилиниши қатъиян тақиқланади.

12. Яраштириш комиссияси раиси ва унинг аъзолари:  
— ўз фаолияти давомида фуқаролар билан ҳушмуомала ва холис бўлишлари;  
— ўз билимларини, айниқса, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда оила соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

## IV. Яраштириш комиссиясининг шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

13. Яраштириш комиссияси фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловидан сўнг бир ой ичнда 8-12 нафар аъздан иборат тартибда тузилади.

Яраштириш комиссияси аъзолари сони фуқаролар йиғини ҳудуддаги аҳоли сони ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади.

14. Яраштириш комиссияси таркибига фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) бир ой муддат ичнда Комиссиянинг янги раиси ёки аъзосини сайлайди.

15. Вазифалар тақсимоти ҳамда унга асосан тузилган Яраштириш комиссиясининг йиллик, чоралик иш режалари Яраштириш комиссияси йиғилишида муҳокама қилинади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Яраштириш комиссияси иш режаси ижроси юзасидан Яраштириш комиссияси аъзоларининг амалга оширилган ишлар буйича ҳисоботлар ҳар ойда Яраштириш комиссияси йиғилишида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

15. Яраштириш комиссияси аъзолари ва раиси фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Комиссияга раҳбарлик, қонда тариқасида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан амалга оширилади.

Яраштириш комиссияси таркибига номзод сифатида қўриб булганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

20. Фуқаролар йиғини масъул қотиби Яраштириш комиссиясининг қотиби ҳисобланади ва Яраштириш комиссияси йиғилишларининг баёноти юртида ва қарорлар ижросини назорат қилади.

21. Яраштириш комиссияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар қоригада фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб боради.

22. Яраштириш комиссиясини зарур ҳизовлар билан таъминлаш, шунингдек, Яраштириш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш учун маҳаллий бюджет маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриятлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топган фуқаролар йиғини мулк ҳисобидан фуқаролар йиғини кенгаши қарорига асосан пул маблағлари ажратилиши мумкин.

23. Яраштириш комиссиясини тутатиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш тегишли фуқаролар йиғини бирлаштирилганда, бўлинганда, тутатилганда ва чегаралари ўзгартирилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорига муво





# Фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

## I. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

## II. Комиссиянинг мақсади ва асосий вазифалари

Муроджон Иброҳимов ҳам тадбиркорликнинг шу йўналишида танилганлардан. Бутун у бошчилик қилаётган чехда маҳалланинг 30 га яқин вакили доимий меҳнат билан банд. Бундан ташқари, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари маҳалла ҳудудда кичик корхоналар очиб, миллий хунармандчилик устaxonаларини барпо этиш ва янги тадбиркорлик субъектлари учун бўш жой ажратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Уларнинг сати-ҳаракатлари билан йиғин қошида маҳалланинг муҳорир чевари Азиза Бекмансурова раҳбарлигида тикув цехи очилган ҳозирлик қўрилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, комиссия аъзоларининг тадбиркорлик ривожига йўналишида амалий чора-тадбирлари аҳоли турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Забинисо ҲАЙИТОВА  
«Mahalla»

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

# МАҲСУЛОТИ БИЛАН МАШҲУР, ДАРОМАДИ БИЛАН МАЪМУР



< [1]

Кўпчилик хонадонларда томорқадан бир йилда икки марта ҳосил олиш аниъанага айланган. Жумладан, картошка, помидор, қарам, ловия, мош иккинчи экин сифатида экилади. Қишлоқда бозорга зироатнинг бирор турини чиқармайдиган хонадон йўқ ҳисоби. Ҳар бир одам доимий касбидан қатъи назар томорқасида тер тукиб, қўшимча даромад топаётир.

— Аҳолимиз томорқа имкониятларидан самарали фойдаланиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда, — дейди Мирзабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Тулқин Тилавов. — Ҳудудимиздаги бешта маҳаллада яшаётган 1 минг 259 та хонадон 170 гектардан зиёд томорқа еридан унумли фойдаланмоқда. Фуқаролар йиғини қошида аҳолининг томорқа хўжалигидан самарали фойдаланишига кўмаклашувчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган. Қишлоқ фаоллари, соҳа мутахассисларидан ташкил топан гуруҳ аъзолари аҳолининг томорқачилик маданиятини юксалтиришда амалий кўмак беришмоқда. Жорий йилнинг қўкламида

ушбу гуруҳ томонидан тайёрланган рўйхат бўйича «Маҳалла» хайрия жамоат фондидининг туман бўлимидаги ҳисобидан ҳудудимиздаги ўттизга яқин кам таъминланган оилаларга турли сабзавот уруғлари, мевали дарахт кўчатлари тарқатилади. Томорқачиликни ривожлантиришнинг муҳим масалалари фуқаролар йиғини кенгашининг йиғилишларида, хусусан, йиғинимиз қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия мажлисларида муҳокама этиб борилаётир.

Вилоятда ўзининг аниъанавий маҳсулоти билан юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётган бундай қишлоқлар кўп, албатта. Баҳмал туманининг Ойқор қишлоғи нақш олмади. Гулбулоқ серҳосили қартоққаси, Форинг туманидаги Эски Форинг ёноғи ва майизи, Мирзачул тумани тилбэрар қовуни билан машҳур. Кейинги йилларда Жиззах, Пахтакор, Дўстлик туманларида мош, ловия каби зироат турларини галла ҳосили йиғиштириб олингандан сунг иккинчи экин сифатида экиб, яхшигина даромад олаётган

хонадонлар кўпаймоқда.

— Бу ишлар давлатимиз томонидан томорқа хўжалигини ривожлантиришга, уларни қўллаб-қувватлашга эътибор кўчатириладиётгани самарасидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдумажид Сатторов. — Вилоятдаги 20 минг 600 гектардан зиёд томорқа ерлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги 180 мингга яқин хонадон иштирокида. Уларнинг кўпчилиги бу ерлардан унумли фойдаланиб, нафақат оиласининг эҳтиёжини қоплашга, балки бозорларнинг тўқинчилиги, юртимиз фаровонлигига ҳам салмоқли улуш қўшмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш, уларга талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш» қарорининг асосида вилоят бўлими томонидан таъминлашга кўмаклашиш; — тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида булган фуқароларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомиллар, имтиёзлар, давлат рўйхатидан ўтказиш, меҳнат муносабатларида қиришиш ва бошқа масалалар юзасидан тарғибот ишларини амалга ошириш ва маслаҳат марказларига кўмаклашиш.

Комиссия қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириши мумкин.

6. Комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, савдо-саноат палатаси, фермерлар кенгаши, тижорат банклари, ички ишлар органлари профилактика инспектори, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудуддаги корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари, фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари, фуқаро

Бек НАЗАР  
«Mahalla»

# Фуқаролар йиғинининг тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Фуқаролар йиғинининг тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорлари ва ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

## II. Комиссиянинг мақсади ва асосий вазифалари

4. Комиссиянинг мақсади тегишли ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга, шунингдек, ажратилган ерлардан самарали, оқилона ва мақсади фойдаланишга кўмаклашишдан иборат.

5. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

— фуқаролар йиғини аъзолари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалиги билан шуғулланиш маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда уларнинг шахсий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

— аҳоли ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалиги билан шуғулланиш ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалиги фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

— тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишда фуқаролар йиғини аъзоларига мавжуд бўш жойлар ва ерлардан мақсади фойдаланиш, моддий ресурслардан (уруғлик, кўчат, минерал ўғит, кимёвий воситалар ва шу кабилардан) фойдаланишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, банк ва кредит хизматлари кўрсатиш, маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқариш каби йўналишларда кўмаклашиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

— ишга лаёқатли фуқароларни аниқлаш, касби (мутахассислиги), малакаси, билими ва кўникмаси, қизиқишига қараб уларнинг баёниди таъминлашга кўмаклашиш;

— тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида булган фуқароларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомиллар, имтиёзлар, давлат рўйхатидан ўтказиш, меҳнат муносабатларида қиришиш ва бошқа масалалар юзасидан тарғибот ишларини амалга ошириш ва маслаҳат марказларига кўмаклашиш.

Комиссия қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириши мумкин.

6. Комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, савдо-саноат палатаси, фермерлар кенгаши, тижорат банклари, ички ишлар органлари профилактика инспектори, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудуддаги корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари, фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари, фуқаро

лар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган маслаҳат марказлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қилади.

7. Комиссия ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда Комиссия аъзолари томонидан оммавий ахборот воситаларида чиқишларни ташкил этиши мумкин.

## III. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш тўғрисида, зарур ҳолларда маълумотларни жойига бориб ўрганиш ҳақида фуқаролар йиғини тақлифлар киритиш;

— фаолият йўналишига оид ўқиб бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида қўриб чиқиш учун тақдим этиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳолати тўғрисида зарур маълумотларни белгиланган тартибда олиш;

— маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатлари талаблари асосида самарали ташкил этиш ва амалга ошириш, шу жумладан, шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхоналар, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устaxonалари, халқ хунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш ва қайта ташкил этиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

— ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш юзасидан фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга кўмаклашиш;

— тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар йиғини аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, юз берган қонунбузилишларни ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ваколатли давлат органлари мурожаат қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

— тадбиркорлик субъектларига ажратилган ерлардан самарали, оқилона ва мақсади фойдаланилишини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

— узига юкланган вазифаларини амалга ошириш мақсадида ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, мутахассисларини ва бошқа шахсларни жалб қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

— фуқаролар йиғини томонидан ҳудудда жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оила

вий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олиншида белгиланган тартибда кафил бўлиш бўйича фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш;

— ушбу Низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш.

9. Комиссиянинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

— ўз фаолиятида қонунчилик ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш;

— мазкур Низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш; — маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилишига, фуқароларнинг қадриятли камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймаши;

— фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғини ва кенгашининг қарорларини амалиётга таътиб этиш орқали маҳалланинг нуфузи, обрў-эътиборини мустақкамлаш ва таъсирини ошириш;

— йўналиши бўйича тарғибот ишларини самарали ва мақсади тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

— қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш.

10. Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ҳам эга бўлиши ҳамда мажбуриятлари бажариши мумкин.

11. Комиссияга аён булган сирларнинг ўзгаларга ошқор қилиниши қатъиян тақиқланади.

12. Комиссия раиси ва унинг аъзолари:

— ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлишлари;

— ўз билимларини, аниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

## IV. Комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

13. Комиссия фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловидан сунг бир ой ичида 10-15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Комиссия аъзолари сони фуқаролар йиғинидидаги аҳоли сонига ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади.

14. Комиссия таркибига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларининг вакиллари, тажрибали ташаббускор хусусий тадбиркорлар, фермерлар, деҳқонлар, хунармандлар, шунингдек, ҳаётий тажрибига, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга булган ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказадиган фаол фуқаролар, шу жумладан ташаббускор ёшлар киритилиши мумкин.

15. Комиссия аъзолари ва раиси фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Комиссияга раҳбарлик, қоида раиси(оқсоқоли)нинг маслаҳатчиси томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркибига номзод сифатида кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакиллари йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Комиссия аъзоласи муддатидан аввал Комиссия таркибидан чиқса, Комиссиянинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан сайланади.

16. Комиссия раиси:

— мажлисларни чақиради ва ўтказиши;

— Комиссиянинг жорий ишини ташкил қилади;

— фуқаролар йиғини, йиғин кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;

— Комиссия номидан чиқади-ган ҳужжатларни имзолайди.

17. Комиссия раиси ушбу Ни-

зомда белгиланган вазифаларни Комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда Комиссия аъзолари томонидан ўзларига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Комиссия узининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан Комиссия раисининг уринбосарини ва Комиссия котибин сайлайди.

Комиссия раиси уринбосарининг вазифалари Комиссия раиси томонидан фуқаролар йиғини кенгаши билан келишилган ҳолда белгиланади. Комиссия раиси узрли сабабларга қўра бўлмаган ҳолларда раис уринбосари унинг вазифаларини бажаради.

18. Комиссия раиси ёки аъзоси қуйидаги ҳолларда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилиши) қарори билан Комиссия таркибидан чиқарилади:

— ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

— ушбу Низомда назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаганда;

— Комиссия фаолиятига тааллуқли масалаларга доир фуқаролар йиғини мажлисларида узрли сабабларсиз иштирок этмаганда, унинг тошйириқларини бажармаганда;

— фуқаролар йиғинининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноўзья ишлар содир этганда;

— белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, деб топиладган ёки муомала лаёқатли чеklangанда;

— суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

— суднинг қонуний кучга кирган қарори билан бедарак йўқолган, деб топиладган ёхуд вафот этган, деб эълон қилинганда;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг йўқотганда;

— белгиланган тартибда бошқа ҳудудга кўчиб кетганда;

— соғалигининг ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга қўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;

— вафот этган тақдирда.

Комиссия раиси ёки аъзоси Комиссия таркибидан чиқарилган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) бир ой муддат ичида Комиссиянинг янги раиси ёки аъзосини сайлайди.

19. Вазифалар тақсими ҳамда унга асосан тузилган Комиссиянинг йиллик, чораклик иш режалари Комиссия йиғилишида муҳокама этилади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.

Комиссия иш режаси ижроси юзасидан Комиссия аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда Комиссия йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.

Комиссия йиғилиши, агар унинг ишида аъзоларнинг камидан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

20. Комиссиянинг котиби йиғилишларнинг баёнини юртимизда ва қарорлар ижросини назорат қилади.

21. Комиссия ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чоракда фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб боради.

22. Комиссиянинг зарур жиҳозлар билан таъминлаш, шунингдек, Комиссия аъзоларини моддий рағбатлантириш учун маҳаллий бюджет маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриятлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топан фуқаролар йиғини мулки ҳисобидан фуқаролар йиғини кенгаши қарорига асосан пул маблағлари ажратилиши мумкин.

## V. Якуловчи қоидалар

23. Комиссияни тугатиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш тегишли фуқаролар йиғини бirlаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.

24. Ушбу Н

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ҲАР ДУШАНБА ДАРДОҚДА ДЎСТЛАР ТЎПЛАНИШАДИ



жуд маҳаллалар бу борада йил бошида белгилаб олинган чора-тадбирлар режасидан ташқари, ўзлари учун ҳар ойда ҳафталик, кунлик жадваллар ҳам ишлаб чиқишади. Белгиланган аниқ вазибаларни амалга оширишда ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг кенг жалб этилаётгани муваффақиятларга гаров бўлаётди.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўзида қишлоқдаги 12 та мактаб, 5 та врачлик пункти, битта шифохона, шунингдек, мавжуд фермерлик ва тадбиркорлик субъекти раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, ечимини кутаётган қўлаб масалалар ижобий ҳал этилди.

— «Дардоқ», «Дардоқтепа», Навоий ҳамда Раҳмонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги мазкур комиссияларнинг намунали фаолияти натижасида ҳудуд йўллари тўлиқ асфальтлаш, маиший чикиндиларни ташвиш ва қайта ишлаш борасида самарали ишлар амалга оширилишига эришилди, — дейди Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Масъуд Котиби Зухриддин Хайдаров. — Натижада аҳоли орасида Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиянинг нифузи тобора ортмоқда.

Комиссия аъзоларининг тиниб-тинчимаслиги, талабчанлиги туфайли қишлоқда 20 километрдан зиёд марказий, 30 километрдан зиёд ички йўللار реконструкция қилинди. Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 4 та қудуқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Комиссия фаолияти томонидан қурилиш ишларининг жадал суръатларида ташкил этилиши натижасида Болалар мусиқа ва санъат мактаби, сут ва гўштни қайта ишлайдиган цех, 60 дан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобаси қад ростилади. Шунингдек, Обод турмуш йилнинг уттан ойлари мобайнида қишлоқдаги мавжуд 11 та қабристонда 4 марта ҳашар уюштирилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Бир сўз билан айтганда, 22 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқда экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларининг намунали фаолияти уюшқоқлиги ютуқлар омили бўлмоқда. Узро ташаббускорлик боис ҳафтаининг ҳар душанбасида жойлардаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия фаолияти Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғини биносида тўпланишида. Унда бир ҳафталик бажарилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилиниб, келгуси ишларнинг маслаҳатлашиб олиниши ютуқларга пойдевор бўлмоқда.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

ОБОД КЎЧА ЭГАЛАРИ

САРИШТАЛИ ЖОЙНИНГ БАРАКАСИ БЎЛАДИ



Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган «Олтинкўл» маҳалласида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётганда.

Бу ишлар маҳалланинг барча фаолиятидан бирдек ташаббускорлик, тинимсиз меҳнатни талаб этгани аниқ.

— Ҳудудимиз 2 та асосий ва 5 та кичик тор кўчадан иборат, — дейди «Олтинкўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Пулатов. — Уларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг амалга оширилишида йиғин фаолиятининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, Фарғона йўли 2-тор кўча бошичи Аҳмадҷон Йўдошевнинг фаолияти кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

— Узро ҳамжиҳатлик, бирдамлик туфайли шу вақтгача ҳудудда бирорта ноҳўя хатти-ҳаракат кузатилмади, — дейди

Фарғона йўли 2-тор кўча бошичи Аҳмадҷон Йўдошев. — Сизкорликни, тинимсиз меҳнатни талаб этгани аниқ. Ҳудудимиз 2 та асосий ва 5 та кичик тор кўчадан иборат, — дейди «Олтинкўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Пулатов. — Уларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг амалга оширилишида йиғин фаолиятининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, Фарғона йўли 2-тор кўча бошичи Аҳмадҷон Йўдошевнинг фаолияти кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Ушбу кўча аҳолисига «Олтинкўл коммунал сервис», «Ораз коммунал сервис» сингари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади. Кўча бо-

шининг эътиборлиги туфайли бу ерда коммунал хизмат кўрсатиш борасида деярли муаммо учрамайдиган. Айни пайтда ҳудуддаги уйлар куз-қиш мавсумига шай. Барча турар-жойларда иситиш тизими ҳамда канализация қувурлари текширилиб, камчиликлар бартараф этилди. Хонадон томлари жорий ва капитал таъмирланди. Шунингдек, АЙўдошевнинг ташаббускорлиги туфайли ҳомиёлар ҳамда йиғин ҳисобидан йиғин ҳудудидаги 4 нафар ёлғиз кексага ҳамда 2 та боқувчисини йўқотган оилага ёниги захираси етказиб берилди.

Фуқаролар йиғинининг Обод турмуш йилига мўлжалланган тадбирлар режасига асосан, кўчадаги 10 дан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобасининг олд қисми бўялиб, безак берилди. Бундан ташқари, замонавий ёриткичлар ўрнатилиб, йўлнинг икки четига мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Ҳар бир ҳовли олдига барпо этилган мўъжазгина гулзор эса киши кайфиятини кўтарди.

Зилол суфта тўла ариқлардан шарқироқ сойлар, файзли, орасида кўчалардан эса обод ва шўманзара маҳаллалар вужудга келади. Шундай экан, кўча бошиларининг самарали, намунали фаолияти тизим такомилда алоҳида аҳамиятга эга. Тажрибали, узқонни кўра оладиган Аҳмадҷон Йўдошев каби маҳалла жонқуярлари фаолияти ҳар бир маҳалланинг ижобий ечим топишида муҳим омил бўлаётди.

Умида УЗОҚОВА «Mahalla»

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорига 9-ИЛОВА

Фуқаролар йиғинининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Умумий қондалар

- 1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Фуқаролар йиғинининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) фаолиятини тартибга солади.
2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонуналарига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Низомга, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.
3. Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

II. Комиссиянинг мақсади ва асосий вазифалари

- 4. Комиссиянинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролар йиғини ҳудудининг санитария ва экология ҳолатини назорат қилиш, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.
5. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:
— атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари, умумдавалат ҳамда ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда иштирок этиш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш;
— ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишини таъминлашда, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;
— аҳолининг уйлари, ҳовиллардаги биноларни, ҳовиллар ва уйлар атрофидаги ҳудудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини яхшилаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарихий ва маданий ёдгорликларни, қабристонларни таъмирлаш ишларида иштирок этиш асосида қатнашишларини ташкил этиш, шу жумладан, туман, шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган моддий ва бошқа маблағларни, фуқаролар йиғини маб-

- лағларини ушбу мақсадларда ишлатиш, ҳашарлар уюштириш, кўриқлар ва танловлар ўтказишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш;
— атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан фуқаролар йиғинининг ваколатлари доирасида ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича таклифлар киритиш;
— ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, умумий фойдаланишдаги жойларни, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва хонадонларини таъмирлаш, ушбу мақсадда аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан фуқаролар йиғинига таклиф киритиш;
— ҳудудда ёқилги, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳудда сарфланишини камайтиришга доир тадбирлар ўтказиш;

III. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 6. Комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда туман (шаҳар) табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари, коммунал хизматлар кўрсатиш ташкилотлари, экология соҳасидаги нодавлат ноtijорат ташкилотлари, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти, фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тўзимаси, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қилади.
7. Комиссия ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда Комиссия аъзолари томонидан оммавий ахборот воситаларида чиқишларни ташкил этиши мумкин.
8. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:
— фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш тўғрисида, зарур ҳолларда маълумотларни жойига бориб ўрганиш ҳақида фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш;
— фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;
— ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқлаш учун йиғин кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;
— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид тадбирлар ташкил этиш юзасидан фуқаролар йиғини кенгашига таклиф киритиш;
— узига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотларининг вакиллари, мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;
— ушбу Низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш.
9. Комиссиянинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
— ўз фаолиятида қонунчиликка ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш;

- мазкур Низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш;
— маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилишига, фуқароларнинг қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймайди;
— фуқаролар йиғини фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар йиғини ва кенгашининг қарорларини амалиётга таътиб этиш орқали маҳалланинг нифузи, ободонлаштириш ишларини самарали ва мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;
— қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда тегишли органларга хабар бериш тўғрисида фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш.
10. Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ҳамда мажбуриятларни бажариши мумкин.
11. Комиссияга аён бўлган сирларнинг ўзгаларга ошқор қилиниши қатъий тақиқланади.
12. Комиссия раиси ва унинг аъзолари:
— ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлишлари;
— ўз билимларини, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари зарур.

IV. Комиссиянинг шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

- 13. Комиссия фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловдан сўнг бир ой ичида 10-15 нафар аъздан иборат таркибда тўзилади.
Комиссия аъзолари сони фуқаролар йиғинидаги аҳоли сонига ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади.
14. Комиссия таркибига ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотининг вакиллари, шунингдек, ҳаётий таърибга, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўткази оладиган фаол фуқаролар, шу жумладан, ташаббускор ёшлар киритилиши мумкин.
15. Комиссия аъзолари ва раиси фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан икки ярим йил муддатта сайланади.

- 16. Комиссия раиси:
— мажлисларни чақиради ва ўтказиши;
— Комиссиянинг жорий ишларини ташкил қилади;
— фуқаролар йиғини, йиғин кенгаши мажлисларида унинг номидан вакил бўлади;
— Комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.
17. Комиссия раиси ушбу Низомда белгиланган вазифаларни Комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда Комиссия аъзолари томонидан ўзларига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.
Комиссия ўзининг биринчи ташкилий йиғилишида аъзолар ичидан Комиссия раисининг ўринбосарини ва Комиссия котибининг сайлайди.
Комиссия раиси ўринбосарининг вазифалари Комиссия раиси томонидан фуқаролар йиғини кенгаши билан келишилган ҳолда белгиланади.
Комиссия раиси узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда раис ўринбосари унинг вазифасини бажаради.
18. Комиссия раиси ёки аъзоси қуйидаги ҳолларда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан Комиссия таркибидан чиқарилади:
— ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;
— ушбу Низомда назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаганда;
— Комиссия фаолиятига тааллуқли масалаларга доир фуқаролар йиғини мажлисларида узрли сабабларсиз иштирок этмаганда, унинг топшириқларини бажармаганда;
— фуқаролар йиғинининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноҳўя ишлар содир этганда;
— бегиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, деб топилганда ёки муомала лаёқати чекланганда;
— суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
— суднинг қонуний кучга кирган

V. Якуловчи қондалар

- 23. Комиссияни тугатиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш тегишли фуқаролар йиғини бирлаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда ва чегаралари ўзгартирилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.
24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

- 19. Вазифалар тақсмоти ҳамда унга асосан тузилган Комиссиянинг йиллик, чорақлик иш режалари Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади ва фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланади.
Комиссия иш режаси ижроси юзасидан Комиссия аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳар ойда Комиссия йиғилишларида эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб борилади.
Комиссия йиғилиши, агар унинг ишида аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи ёқаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.
20. Комиссиянинг котиби йиғилишларнинг баёнини юритида ва қарорлар ижросини назорат қилади.
21. Комиссия ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чоригада фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб боради.
22. Комиссияни зарур жиҳозлар билан таъминлашга, шунингдек, Комиссия аъзоларининг моддий рабатлантириш учун маҳаллий бюджет маблағлари, қоридан ва жисмоний шахсларнинг ҳомиёлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топган фуқаролар йиғини мулкчи ҳисобидан фуқаролар йиғини кенгаши қарорига асосан пул маблағлари ажратилиши мумкин.

V. Якуловчи қондалар

- 23. Комиссияни тугатиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш тегишли фуқаролар йиғини бирлаштирилганда, бўлинганда, тугатилганда ва чегаралари ўзгартирилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.
24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорига  
11-ИЛОВА

# Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) гувоҳномаси тўғрисида НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномасининг (кейинги ўринларда гувоҳнома деб аталади) шакли, унинг бланкаларини тайёрлаш, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоли)ни гувоҳномалар билан таъминлаш, гувоҳномаларни алмаштириш, ҳисобга олиш ҳамда сақлашни ташкил этишга нисбатан ягона талабларни белгилайди, улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек, уларнинг йўқолганлиги, шикастланганлиги ва эҳтиёт қилиб сақланмаганлиги учун жавобгарликни белгилайди.

2. Гувоҳнома фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг шахси ва лавозимини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Гувоҳнома фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг фуқаролик паспорти ўрнини босмайди.

3. Гувоҳнома фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)га туман (шаҳар) фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия (кейинги ўринларда кўмаклашувчи комиссия деб аталади) томонидан берилади.

4. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ўзига берилган гувоҳномадан ўз ваколати мuddати давомида фойдаланади.

5. Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг ваколат мuddати тугагандан кейин (ваколатлари мuddатидан илгари тугатилган тақдирда) гувоҳнома кўмаклашувчи комиссияга қайтарилиши шарт.

## II. Гувоҳноманинг шакли, гувоҳнома бланкаларини тайёрлаш, улар билан таъминлаш, уларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби

6. Гувоҳнома муқоваси ва бланкалари кўмаклашувчи комиссия буюртмасига асосан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг буюртмаси бўйича белгиланган корхоналарда тайёрланади.

Гувоҳномаларнинг бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади ва ушбу Низомга 1-иловадаги тавсифга биноан, қалбакилаштиришга қарши ҳимоя элементларига эга булган махсус қоғозда тайёрланади.

Гувоҳноманинг муқоваси ва бланкаси бошқа шахслар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари буюртмасига асосан тайёрланишига йўл қўйилмайди.

7. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланган деб топилагач, сайлов ўтказилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай кўмаклашувчи комиссияга қуйидагиларни тақдим этади:

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси томонидан имзоланган ва фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси ва қарори;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) паспортнинг нусхаси;

— 3x4 ўлчамли 2 дона рангли фотосурат.

8. Гувоҳнома бланкалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) паспортнинг нусхаси ҳамда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси ва қарори асосида тўдирилади. Зарур маълумотлар киритилгандан кейин гувоҳномалар бланкаларига улар эгаларининг фотосурати ёпиштирилади.

Гувоҳнома кўмаклашувчи комиссиянинг раиси томонидан имзоланади ва фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланади. Тайёрланган гувоҳнома шаффоф плёнка билан қопланади.

9. Гувоҳнома сайлов ўтказилган ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланган, деб топилган кундан эътиборан бир ой мuddат ичида берилади.

10. Тўдиришда бузилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномалар ҳақиқий эмас, деб топилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

11. Гувоҳнома тартиб рақамига эга бўлади. Берилган гувоҳномалар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда кўмаклашувчи комиссиялар томонидан юритиладиган Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномаларини бериш ва қайтаришни ҳисобга олиш дафтарига (кейинги ўринларда ҳисобга олиш дафтари деб аталади) рўйхатдан ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномасининг тартиб рақами ҳисобга олиш дафтаридаги тартиб рақамига мос бўлиши лозим.

12. Ҳисобга олиш дафтарида гувоҳноманинг тартиб рақами, гувоҳнома эгасининг ҳамда уни имзолаган шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳноманинг амал қилиш мuddати, гувоҳнома эгасининг фотосурати, гувоҳнома олинганлиги тўғрисида имзо ва сана, гувоҳномани қайтариш санаси, олган шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси, гувоҳномани йўқ қилиш тўғрисида белги (далолатнома санаси ва тартиб рақами) кўрсатилади.

Ҳисобга олиш дафтари ип ўтказиб тикилади, муҳрланади ва кўмаклашувчи комиссияда унинг ваколат мuddати давомида сақланади.

Навбатдаги сайловлар эълон қилинган, ҳисобга олиш дафтари янги тузилган кўмаклашувчи комиссияга топширилади.

13. Гувоҳнома фуқаролар йиғини раисига (оқсоқолига) у Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини кўрсатгандан кейин берилади.

14. Гувоҳнома берилётганда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномани олганлиги тўғрисида ҳисобга олиш дафтарида имзо қўяди.

15. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) аризасига биноан янги гувоҳнома берилиши мумкин.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда гувоҳнома алмаштирилади.

16. Гувоҳнома йўқолганлиги муносабати билан янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага матбуотда гувоҳнома йўқолганлиги ва у ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши ҳақида хабар эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда 3x4 ўлчамли 2 дона рангли фотосурат илова қилинади.

Гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ҳамда 3x4 ўлчамли 2 дона рангли фотосурат илова қилинади.

17. Йўқолган гувоҳнома фуқаролар

йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан матбуотда хабар эълон қилинган кундан эътиборан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома янги гувоҳнома берилган кундан эътиборан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

18. Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг ваколатлари мuddатидан илгари тугатилганда фуқаролар йиғини томонидан бу ҳақда кўмаклашувчи комиссияга хабар берилади ва беш кун мuddат ичида гувоҳнома қайтарилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган, деб топилган ёхуд вафот этган, деб эълон қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

19. Амал қилиш мuddати тугаган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномалар йўқ қилиниши ва бу ҳақда далолатнома тузилиши керак. Гувоҳномалар кўмаклашувчи комиссия томонидан йўқ қилинади.

## III. Якунловчи қоидалар

20. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳнома сақланиши учун шахсан жавобгардир. Гувоҳномани бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

21. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор булган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) гувоҳномаси тўғрисидаги Низомга 1-ИЛОВА

### Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномасининг шакли

#### Гувоҳноманинг муқоваси

	FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANI  <b>G U V O H N O M A</b>
--	--

#### Гувоҳноманинг ички томони

(ma'muriy-hududiy birlik nomi) GUVOHNOMA № _____ (F.I.O)  fuqarolar yig'ini raisi (oqsoqoli) Saylov 20 __ yil «__» _____ da o'tkazilgan Amal qilish muddati 20 __ yil «__» _____  Ko'maklashuvchi M.O' komissiya raisi _____ (F.I.Sh)	(ma'muriy-hududiy birlik nomi) ГУВОХНОМА № _____ (Ф.И.О)  фотосурат 30x40 Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) Сайлов 20 __ йил «__» _____ да ўтказилган Амал қилиш мuddати 20 __ йил «__» _____  Кўмаклашувчи М.У комиссия раиси _____ (Ф.И.Ш)
--	---

### Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномасининг тавсифи

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномасининг муқоваси 60x90 миллиметр қатталиқдаги тўқ яшил рангда, чармдан ёки унинг ўрнини босадиган материаллардан тайёрланади. Гувоҳноманинг олд томони марказ қисмининг юқорисидан зарҳал рангда 14-шифта «FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANI», пастда эса «GUVOHNOMA» деган матн жойлашган.

Гувоҳноманинг ички томонидаги матнлар икки саҳифага жойлаштирилади.

Гувоҳноманинг ички чап томонидаги ёзувлар лотин алифбосида бажарилади. Гувоҳноманинг ички чап қисмининг юқоридagi марказида икки қаторда тегишли вилоят ва туман (шаҳар) номи кўрсатилади, ундан кейин марказ қисмида «GUVOHNOMA №» сўзи ёзилган бўлиб, унда гувоҳнома тартиб рақами қўйилади, унинг пастиди алоҳида

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) фамилияси, исми, отасининг исми икки қаторда, шунингдек, тегишли фуқаролар йиғини номи ёзилади. Пастроқ қисмида сайлов ўтказилган сана бир қаторда, гувоҳноманинг амал қилиш мuddати иккинчи қаторда ёзилади, бунда амал қилиш мuddати навбатдаги сайловларгача белгиланади. Пастда «Ko'maklashuvchi komissiya raisi» сўзлари, тегишли кўмаклашувчи комиссия раисининг имзоси, исми ва отасининг исми бош ҳарфлари ва фамилияси жойлаштирилади, чапроқда «M.O'» ҳарфлари жойлашади.

Гувоҳноманинг ички ўнг томонидаги ёзувлар кирилл алифбосида бажарилади. Гувоҳнома ички ўнг қисмининг юқоридagi марказий қисмида маъмурий-ҳудудий birlik номи кўрсатилади, ундан кейинги қаторда, марказий қисмида «ГУВОХНОМА №» сўзи ёзилган бўлиб, унда гувоҳнома

тартиб рақами қўйилади, ундан пастда чап томонда 3x4 см ўлчамли фотосурат жойлаштирилади. Фотосуратнинг ўнг томони марказида фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) фамилияси, исми ва отасининг исми икки сатрда, шунингдек, тегишли фуқаролар йиғини номи ёзилади. Пастроқ қисмида сайлов ўтказилган сана бир қаторда, гувоҳноманинг амал қилиш мuddати иккинчи қаторда ёзилади, бунда амал қилиш мuddати навбатдаги сайловларгача белгиланади. Пастда «Kўмаклашувчи комиссия раиси» сўзлари, тегишли кўмаклашувчи комиссия раисининг имзоси, исми ва отасининг исми бош ҳарфлари ва фамилияси жойлаштирилади, чапроқда «M.У» ҳарфлари жойлашади.

Гувоҳноманинг ички томонлари оч сарғиш рангли махсус қоғоздан тайёрланади ва шаффоф плёнка билан қопланади. Гувоҳномадаги матн ва рақамлар қора рангда ёзилади.

## Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) гувоҳномаси тўғрисидаги Низомга 2-ИЛОВА

### Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) гувоҳномаларини бериш ва қайтаришни ҳисобга олиш ДАФТАРИ

(туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссиянинг номи)							
T/p	Гувоҳноманинг тартиб рақами	Эгаси ва имзолаган шахсининг Ф.И.О.	Амал қилиш мuddати	Эгасининг фотосурати	Олинганлиги тўғрисида имзо, олган шахсининг Ф.И.О., сана	Қайтариш санаси, олган шахсининг Ф.И.О., лавозими, имзоси	Йўқ қилиш тўғрисида белги (далолатнома санаси ва тартиб рақами)



# «АСАКА» БАНК (ОАЖ)

Қуйидаги мuddатли омонат турларини таклиф этади:

(ИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА)

## «МУСТАҚИЛЛИК — 2013»

Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш мuddати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

(ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА)

## «НИҚОНЧЛИ»

(АҚШ ДОЛЛАРИДА)

Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навой вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

# Фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси (кейинги ўринларда маслаҳатчи деб аталади) фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Маслаҳатчи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунарига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

3. Маслаҳатчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иш ҳақи тайинланади.

## II. Маслаҳатчи фаолиятининг мақсади ва асосий вазифалари

4. Фуқаролар йигини ҳудудидаги аҳолида, биринчи навбатда, ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишларини тизимли тарзда амалга ошириш маслаҳатчи фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

5. Қуйидагилар маслаҳатчининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини оширишга кўмаклашиш;
- жамиятда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳушёрлиги ва огоҳлигини ошириш, тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда фуқаролар йигинининг давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтиришга кўмаклашиш;
- аҳолида, энг аввало, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар йигини ҳудудида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тартибдор ишларини тизимли амалга оширишга кўмаклашиш;
- миллий маънавиятимизга зид бўлган турли салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан ташкилотлар ишларини самарали ташкил этиш;
- мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини аҳоли онгига синдиришда фуқаролар йигини кенгашига кўмаклашиш;
- фуқаролар йигини ҳудудида барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашда, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўймайлик чора-тадбирларини кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқиш бўйича фуқаролар йигини кенгашига тақлифлар киритиш;
- аҳолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид тақлифларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида фуқаролар йигини (вакиллар йиғилиши) муҳокамасига киритиш;
- носоғлом диний гоялар таъсирга тушиб қолган оилалар ва фуқаролар йигини аъзолари билан, шунингдек, жиноят содир этганлиги учун жазо муддатини ўтаётган ёки ўтаб қайтган шахсларнинг оилалари билан алоҳида иш олиб бориш, уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш;
- гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйганларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари билан фарздандари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шугулланмаётган ота-оналарни, нотинч оилаларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онини захарлаб, уларни турли диний экстремистик гоялар таъсирга тушишларини таъминлаш мақсадида мазкур йўналишдаги ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи шахсларни, турли ноқонуний тартибдор ва ташвиқот ишлари олиб боровчи шахсларни, ёшларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, консти-

туциявий тузумга қарши турли ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб боришда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш;

— жазони ижро этиш муассасаларидан озода этилган хотин-қизлар, шунингдек, махсус ўқув-тарбия муассасасидан қайтган қизларни турар жой ва иш билан таъминлаш бўйича фуқаролар йигини кенгаши орқали маҳаллий ҳокимликка тақлифлар киритиш;

— ижтимоий кўникма маркаслари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорлик ўрнатиш;

— гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган хотин-қизларнинг тиббиёт муассасаларида тиббий куриқдан (шу жумладан, наркологиқ диспансерда текин ва аноним тарзда куриқдан) ўтишларини ташкиллаштириш, зарур ҳолларда уларни мажбурий даволаш чора-тадбирлари амалга оширилишида кўмаклашиш;

— маҳаллада, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарор бўлишига эришиш мақсадида хотин-қизлар ўртасида турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, қонун ҳужжатлари талабларига зид тарзда вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг сабабларини чуқур ўрганиш, натижалари бўйича фуқаролар йигини кенгаши, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тезкор йиғилишларда муҳокама этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш ҳамда бундай салбий илатларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

— оилаларда маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидаларастаик мафкурасининг таъсиридан, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳолатлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга доир тизимли ишларни ташкил этиш;

— маҳалла аҳолиси ўртасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

— миллий, диний урф-одатлар ва маросимларнинг ихчам ва замонавий, кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишида фуқаролар йигини кенгашига кўмаклашиш;

— маҳалла хотин-қизлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кийиниш маданиятини юксалтириш борасида самарали тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— фуқаролар йигини кенгаши ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ижтимоий бандлигини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиш;

— тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорликни таъминлашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилишига кўмаклашиш;

— ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик bilimларини ошириш мақсадида фуқаролар йигини ҳузурида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятига кўмаклашиш;

— белгиланган тартибда фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва йигини ҳузуридида «Ота-оналар университети» билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

7. Маслаҳатчи ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларинан фаол фойдаланиши мумкин.

## III. Маслаҳатчи фаолиятини ташкил этиш тартиби

8. Маслаҳатчи лавозимига ҳаётий тажрибага эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ри-

вожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалаларида зарур bilimларга эга бўлган ҳамда тарбиявий таъсир ўткази оладиган обрўли ва фаол аёллар орасидан тайинланади.

Маслаҳатчи лавозимига номзодларни танлашда уларнинг bilimи, шунингдек, дунёқароши ва талабчанлиги, фуқаролар йигини ҳудуди ва аҳолисини мукамал билишига, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги, фуқаролар йигини аъзоларига ҳар томонлама ўрнак бўла олишига, ахлоқ-одобига алоҳида эътибор қаратилади.

Маслаҳатчининг лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озода этиш фуқаролар йигини кенгаши томонидан амалга оширилади.

Маслаҳатчи лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қонда тариқасида, олий маълумоти, бевосита тайинлангунгача камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида, таълим муассасаларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд ҳужжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

9. Қуйидагилар маслаҳатчи лавозимига тайинланмайди:

- ўз турмуш тарзи билан фуқаролар йигини аъзолари ўртасида салбий таъсирланган аёллар;
- ички ишлар органларининг профилактик ҳисобидан турган аёллар;
- руҳий касаллиги, гиёҳвандликка, сурункали ичкиликбозликка ружу қўйганлиги учун тегишли тиббиёт муассасалари ҳисобида турган аёллар;
- қасддан содир этган жиноятни учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган аёллар;
- суд томонидан муомаллага лаёқатсиз, деб топишган аёллар;
- ҳақиқий ҳарбий хизматдаги аёллар;
- диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари.

10. Маслаҳатчи лавозимига номзоднинг ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида белгиланган талабларига мувофиқлигини ўрганишда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман (шаҳар) бўлими ва туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорлик қилади.

11. Маслаҳатчининг лавозимидан озода қилиш:

- ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;
- умумқабул қилинган ахлоқ, одоб нормаларини қўпола равишда бузганда;
- маслаҳатчи макомини бадном қилувчи ва фуқаролар йигини обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва ноҳўя ишлар содир этганда;
- ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаган тақдирда фуқаролар йигини кенгаши томонидан қарор қабул қилинганда;
- белгиланган тартибда муомаллага лаёқатсиз, деб топишганда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳужми қонуний кучга кирганда;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган, деб топишганда ёхуд вафот этган, деб эълон қилинганда;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;
- соғлигининг ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра, уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;
- вафот этганда;
- ўз вазифасини лозим даражада бажармаганиги натижасида ҳудуднинг ижтимоий-маънавий муҳити барқарорлигига салбий кўрсатувчи ҳолатлар сони ошиб кетганда фуқаролар йигини аъзоларининг фикрини ҳамда фуқаролар йигини раиси тавсиясини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар йигини кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

12. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йигини кенгашининг қарорига асосан лавозимга тайинланган маслаҳатчи билан меҳнат шартномаси тузади.

13. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари маслаҳатчининг мазкур Низомда белгиланган фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратишда, шунингдек, қонун ҳужжатларига берилаган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

14. Маслаҳатчи фаолиятини фуқаролар йигини раиси мувофиқлаштиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман (шаҳар) бўлимаси, туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси маслаҳатчи фаолиятини самарали ташкил этишга услубий ва амалий кўмаклашади.

15. Маслаҳатчи ушбу Низомда белгиланган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги иш услубларидан

фойдаланиши мумкин:

- диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришда жамоавий ва якка тартибдаги суҳбатлар, учрашувлар, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш;
- босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқишларни амалга ошириш;
- хотин-қизлар дунёқароши, уларнинг bilimлари даражасини оширишга хизмат қилувчи тадбирларни (бадий кечалар, интеллектуал танловлар ва ҳ.к.) ўтказишда ваколатли давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- фуқаролар йигини ҳудудидаги мавжуда оилаларнинг маълумотлар банкини яратиш, уларга асосланган ҳолда аҳоли ўртасида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб бориш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;
- фуқаролар йигини ҳудудида носоғлом муҳит юзага келган оилалар аниқланганда уларга ёрдам бериш учун зарур чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириши ташкил этиш, бу борада мутахассислар ёрдамида фойдаланиш, зарур ҳолатларда бундай оилалар муаммоларини ҳал этишда ваколатли давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- муаммоли, нотинч оилалар билан якка тартибда иш олиб бориш, индивидуал суҳбатлар ўтказиш, бу борада бошқа маҳалла фуқаролар йигинларининг маслаҳатчилари билан ўзаро тажриба алмашиш;
- фуқаролар йигини ҳудудидаги намунали оилалар ва обрў-эътиборга эга бўлган шахслар салоҳиятидан диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни амалга оширишда самарали фойдаланиш, уларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш;
- фуқаролар йигини ҳудудидаги фаол аёлларни аниқлаш, улар билан алоҳида иш олиб боришнинг самарали шаклларида фойдаланган ҳолда уларни фуқаролар йигини фаолиятига жалб этиш;
- ваколатли давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатлари талаблари асосида чоп этилган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид буклетлар, қўланмалар ва рисоаларни фуқаролар йигини кенгаши билан келишилган ҳолда аҳоли ўртасида оммалаштириш;
- ўз вазифаларини бажаришда бошқа иш услубларидан фойдаланиш.

## IV. Маслаҳатчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Маслаҳатчи ўзига юкланган вазифаларини бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- зиммасига юкланган вазифаларнинг амалга оширилишини тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари талабларига фуқаролар йигини аъзолари томонидан риоя қилинмаган ҳолларда фуқаролар йигини ва унинг фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда тегишли тарбиявий таъсир чораларини кўриш, тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича тақлифлар киритиш, ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилишида ҳамкорлик қилиш;
- фуқаролар йигини ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар ўртасидаги турли низоларни ҳал қилишда, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни муҳокама қилишда, ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишга мойил шахслар билан маънавий-ахлоқий тарбия мавзудидаги суҳбатларни ўтказиш чоғида бевосита иштирок этиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш;
- ҳудудда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантиришга доир тақлифлар киритиш;
- ўз вазифаларининг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йигини кенгаши аъзоларига, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман (шаҳар) бўлимасига ҳамда туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитасига мурожаат қилиш;
- фуқаролар йигини кенгашига йигин органлари фаолиятини самарали ташкил этишга доир тақлифлар киритиш;
- фуқаролар йигини кенгаши, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашиш;

## Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорига 12-ИЛОВА

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талаблари ижросини таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида тақлифлар билдириш;

— ушбу Низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тақлифлар киритиш.

17. Маслаҳатчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- фуқаролар йигини ҳудудида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишларини тизимли равишда амалга ошириш;
- маслаҳатчи фаолиятига доир тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда юритиш;
- ўз фаолияти давомида фуқаролар билан муносабатда оғир, вазмин ва хушмуомала бўлиш, низоли масалаларни ҳал этишда адолатли ва ҳолис бўлиш;
- ўз bilimларини, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари ҳамда қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини, уларнинг ижросини таъминлаш каби соҳалардаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий bilimларини мунтазам равишда кенгайтириб бориш ҳамда ўзига юкланган вазифаларни бажариш шундай экан. Жаҳд отига минган қайнота ва қайнонани йўлга солиш осон бўлмади. Бу сафар бошқачароқ йўл туддим. Келимини қувиб солаётган қайнотаннинг бошига ўз қўлим билан тиккан мунқоқдек Марғилон нусха дўшпини кийдириб қўйдим. Қайнота сал ҳовуридан тушди. Бир шёла чой устида бафўржа суҳбатлашиб, масалани ётиги билан тушунтирдим. Ёш келинни ўйда олиб ўтирмасдан, ишга жойлаштириш кераклигини ўқтирдим. Буни маҳалла аёллари, ўз келинларим мисолида обдон таҳлил қилиб бердим. Шундан сўнг оилада хотиржамлик бошланди. Бутунги кунда келим бўлиш Нафиса маҳалладаги дўшпини усталарга шогирдликка тушиб, бийонидек даромад топмоқда, оиласи тинч-тотув, икки нафар қизалоқлари қаторига яқинда ўғил фарзанд ҳам қўшилади.

## V. Маслаҳатчининг фаолиятини мувофиқлаштириш

18. Маслаҳатчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ҳамда мажбуриятларни бажариши мумкин.

19. Маслаҳатчининг ўзига юкланган вазифаларни бажаришда маълум бўлган оилавий ёки шахсий сирларни ўзгаларга ошкор қилиши қатъиян тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

20. Фуқаролар йигини ҳудудида жойлашган давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролар йигинининг барча аъзолари ҳудудда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маслаҳатчига ёрдам беришлари зарур. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ўзига юкланган вазифаларни зарур даражада бажаришда ўрнак кўрсатган маслаҳатчининг моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантиришлари мумкин.

21. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаши, шунингдек, белгиланган тартибда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмитаси томонидан маслаҳатчининг фаолиятини йўналтириш ва услубий-амалий ёрдам кўрсатиш ишлари ташкил этилади.

22. Маслаҳатчининг фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, раёбатини такомиллаштириш ва уни рағбатлантириш ҳақидаги масала Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги ҳудудий кенгашилар томонидан ҳар йили камида бир марта муҳокама этиб борилади.

VI. Яқунловчи қоидалар

23. Маслаҳатчининг ушбу Низомда кўрсатилмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш тақиқланади.

24. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

## МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИДАН

# Аввало, ўзимиз ибрат бўлайлик



**Қўштепа туманидаги «Ғиштон» қишлоқ фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Дўстлик» ордени соҳибаси Азизахон Қозоқовани маҳалла аёллари даврасида учратдик.**

— Кимгадир насиҳат, ўғит айтишдан олдин, аввало, ўзимиз унга амал қилишимиз керак, — дейди Азизахон Қозоқова. — Озгина эътиборсизлик бир оиланинг пароканда бўлишига олиб келиши мумкин. Бутунги мождор ҳам шундай экан. Жаҳд отига минган қайнота ва қайнонани йўлга солиш осон бўлмади. Бу сафар бошқачароқ йўл туддим. Келинни қувиб солаётган қайнотаннинг бошига ўз қўлим билан тиккан мунқоқдек Марғилон нусха дўшпини кийдириб қўйдим. Қайнота сал ҳовуридан тушди. Бир шёла чой устида бафўржа суҳбатлашиб, масалани ётиги билан тушунтирдим. Ёш келинни ўйда олиб ўтирмасдан, ишга жойлаштириш кераклигини ўқтирдим. Буни маҳалла аёллари, ўз келинларим мисолида обдон таҳлил қилиб бердим. Шундан сўнг оилада хотиржамлик бошланди. Бутунги кунда келим бўлиш Нафиса маҳалладаги дўшпини усталарга шогирдликка тушиб, бийонидек даромад топмоқда, оиласи тинч-тотув, икки нафар қизалоқлари қаторига яқинда ўғил фарзанд ҳам қўшилади.

«Ғиштон»да Азиза Қозоқовани ҳамма бирдек хурмат қилади. Катта хонадоннинг келини, ўзи ҳам қайнона макомига етишган бу аёлдан маслаҳат олгучи, суроқлаб келгучилар кўп. Узок йил тарбиячи, болалар муассасаси мудириси, туман халқ таълими бўлимиди услубчи сингари вазифаларда ишлаб, катта иш ва ҳаётий тажриба тўплаган маслаҳатчининг ҳар бир кунни хайрли ишларга бой бўлади. А.Қозоқова маҳалланинг катта кичигини яхши билади. Ёшларнинг кўпчилиги унинг таълим-тарбиясини олгани боис, насиҳатларига хурмат билан қўлоқ тутди. Маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда қилинган ишлар самарасида ҳудудда оилавий ажрим, яқин қариндошлар ўртасидаги ниқоб, эрта турмуш, ёшлар ва аёллар ўртасида жиноятчилик сингари ётг унсурлар барҳам топганга анча бўлди.

Хунармандлар юрти Марғилонга туташ бўлган қишлоқда оилавий тадбиркорлик кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Бунда маҳалла маслаҳатчининг алоҳида урни бор. Ҳозирги кунда ҳудудда 50 дан ортиқ атлас текувчи ва дўшпини тикувчи-чеварлар фаолияти асосида «Устоз — шогирд» мактаби яратилган. Бундан ташқари, «Исмоилхон гиламларни» хусусий корхонасига жалб этилган 100 нафардан ортиқ маҳалла аёллари нафис ва бетакорр ипак гиламлари тайёрлашда моҳир ҳисобланишади.

Азиза Қозоқова биз билан суҳбатлашар экан, деворга осилган соатта ниқоб ташлаб қўяди. Бироз вақт ўтиб, кундалик иш билан борадиган оилалар, ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини айтиб, изн сўради ва маҳалла кўчалари бўйлаб шаҳдам одимлаб кетди...

# Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш, бошқарув ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Фуқаролар йиғинининг масъул котиби (кейинги ўринларда масъул котиб деб аталади) ва кенгаши дево-ни ходимлари фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши-ни), фуқаролар йиғини кенгаши маж-лисини ўтказишга доир материаллар-ни тайёрлайди, фуқаролар йиғини-нинг, фуқаролар йиғини кенгашининг ва фуқаролар йиғини раисининг (оқсо-қолининг) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайди, иш юритишни олиб боради.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комис-сиялар ҳамда фуқаролар йиғини ҳузу-ридаги тафтиш комиссиясида иш юри-тишни ташкил қилиш ва олиб бориш ушбу комиссияларнинг котибларига юкланади.

3. Фуқаролар йиғини раиси (оқсо-қоли) фуқаролар йиғини ва унинг органларида иш юритишнинг тўғри ташкил қилиниши ҳамда ушбу Низом-га мувофиқ замонвий ахборот-ком-муникация технологияларидан фойда-ланган ҳолда самарали олиб бори-лиш учун шахсан масъулдир.

4. Масъул котиб фуқаролар йиғ-ни кенгаши аъзоларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунари, Ўзбекистон Республика-си Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳка-масининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа келиб тушган норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан, ишга янги қабул қилинган ходимларни фуқаро-лар йиғини тузилмаси, мазкур Ни-зом, ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва текширишнинг асосий қоидалари, ички меҳнат интизоми ва фуқаролар йиғини фаолиятини тар-тибга солишга доир бошқа ҳужжат-лар билан таништиради.

5. Фуқаролар йиғини аъзоларига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-рига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар бил-лан танишиб чиқиш имконияти яри-тиб берилиши қаролатилади.

6. Масъул котиб ишдан бўшаган-да ёки бошқа ишга ўтказилганда ҳуж-жатлар янги тайинланган масъул ко-тибга (масъул котиб тайинлангунга қадар фуқаролар йиғинининг раисига (оқсоқолига) далолатнома асосида топширилади.

## II. Иш юритишни ташкил этиш

7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар йиғинида қуйидаги ҳуж-жатлар тайёрланади:

— фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарор-лар кўрсатилган ҳолдаги баённомалар;

— фуқаролар йиғини кенгаши маж-лиснинг ўтказилган санаси, ҳозир бўлган аъзолар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалар;

— фуқаролар йиғини фаолияти-нинг асосий йўналишлари бўйича ко-миссиялар ҳужжатлари, шунингдек, комиссиялар йиғилишлари ўтказилган сана, ҳозир бўлган аъзолар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолдаги баённомалари;

— фуқаролар йиғини ҳузуридаги тафтиш комиссияси ҳужжатлари, йи-ғилиш баённомалари;

— фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини кенгаши қарорлари, фуқаро-лар йиғини раисининг (оқсоқолининг) қарорлари ва топшириқлари.

8. Фуқаролар йиғинининг бошқа ташкилотлар билан хизмат алоқалари хатлар билан почта орқали амалга оширилади. Тезкор равишда берила-диган маълумотлар электрон почта, факс орқали ёки телефонограмма ва телеграмма тарзида юборилади.

9. Фуқаролар йиғини раиси (оқсо-қоли) фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлиси баённома-ларини, бошқа ташкилотларга юбори-ладиган хатларни имзолайди.

Ҳужжатларга иловалар ижрочи-лар ва масъул котиб томонидан им-золанади.

10. Баённомалар фуқаролар йиғ-ни раисига (оқсоқоли) ва масъул котиб, зарурият қарор қилган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари, фу-қаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси раислари томо-нидан имзоланади.

11. Фуқаролар йиғинида иш юри-тишнинг қулайлигини таъминлаш мақ-садида қуйидаги йиғмажидлар юри-тилади:

— фуқаролар йиғини фаолиятини тартибга солишга доир норматив-хуқуқий ҳужжатлар;

— фуқаролар йиғинининг (фуқаро-лар вакиллари йиғилишининг) ҳуж-жатлари;

— фуқаролар йиғини кенгаши маж-лиснинг ҳужжатлари;

— фуқаролар йиғини фаолияти-нинг асосий йўналишлари бўйича ко-миссиялар ҳужжатлари;

— фуқаролар йиғини ҳузуридаги тафтиш комиссияси ҳужжатлари;

— фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тар-бия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳужжатлари;

— «Маҳалла посбони» жамоатчи-лик тузилмаси ҳужжатлари;

— фуқаролар йиғини ваколатлари-га тааллуқли бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар.

Йиғмажидлар фуқаролар йиғини ва унинг органлари тўғрисидаги ни-зомлар асосида тузилади. Йиғмажид-ларни юритишда ҳужжатлар номен-клатураси ва уларни сақлаш муддати кўрсатилиши лозим.

12. Юритиладиган йиғмажидлар масъул котиб томонидан имзоланади ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқо-ли) томонидан тасдиқланади.

Йиғмажидларни сақлаш масъул котиб томонидан амалга оширилади.

## III. Иш юритишни олиб бориш

13. Фуқаролар йиғинларига келиб тушаётган ҳужжатларни қабул қилиш, уларга бирламчи ишлов бериш (руй-хатга олиш, фуқаролар йиғини раисига (оқсоқолига) киритиш учун тайёр-лаш) масъул котиб томонидан амалга оширилади.

14. Ҳужжатлар солинган конверт-лар, шу жумладан, бююртма конверт-лар масъул котиб томонидан очила-ди. Бунда конвертнинг тўғри етказил-ганлиги ва бутлиги текширилади. Кон-вертнинг бутлиги бузилган бўлса ёки ундаги ҳужжатлар ва иловалар етар-ли бўлмаса, бу ҳақда дарҳол ҳужжат-ни юборувчига маълум қилинади, икки нусхада далолатнома тузилиб, бири масъул котибга қўйирилади, ик-кинчиси ҳужжатни юборган ташки-лотга жўнатилади.

Фуқаролар йиғинига хатолик ту-файли келиб тушган ҳужжатлар узоғи билан беш кун муддат ичида масъул котиб томонидан янги конвертга со-линиб, аввалги конвертни илова қил-ган ҳолда тегишли ташкилотларга жўнатилади ва бу ҳақда жўнатувчига хабар қилинади.

15. Келиб тушган ҳужжатлар со-линган конвертлар (ҳужжатни юборув-чининг манзили ва юборилган вақти фақат конверт орқали аниқланадиган ҳоллардан ташқари) йўқ қилинади.

16. Келиб тушган ҳужжатлар руйхатга олинмайдиган ва руйхатга олинмайдиган ҳужжатлар туркумига бўлинади.

Мазкур Низомнинг I-иловасида кўрсатилган ҳужжатлар руйхатга олинмайди. Руйхатга олинмайдиган келиб тушган ҳужжатларга руйхатга олиш штамини қўйилади.

Фуқароларнинг муурожаатлари, улар қаердан келиб тушганлигидан қатъи назар, алоҳида руйхатга олина-ди ва уларнинг ҳисоби юритилади.

17. Фуқаролар йиғинига келиб тушган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган шаклда Фу-қаролар йиғинларига келиб тушган ҳужжатларни руйхатга олиш дафта-рида руйхатга олингандан сўнг фу-қаролар йиғини раисига (оқсоқоли-га) берилади.

18. Фуқаролар йиғини томонидан тайёрланадиган ва бошқа ташкилот-лардан келадиган ҳужжатлар билан ишлашда қуйидагилар амалга оши-рилади:

— фуқаролар йиғини раиси (оқсо-қоли) томонидан ҳужжатга резолюция белгиланади ва унда ҳужжатнинг иж-роси бўйича асосий кўрсатмалар ва ижро муддати акс эттирилади;

— кўриб чиқилган ҳужжат резолю-цияни назорат қарточкасига кўчириш учун масъул котибга қайтарилади;

— ҳужжат тегишли жойларга ет-казилади.

Келиб тушган ҳужжатни расмийла-штириш ва кўриб чиқиш учун киритиш ҳужжат келиб тушган кунда, кўриб чи-қилган ҳужжатни тегишлилиги бўйича жўнатиш резолюция белгиланган кун-да амалга оширилиши лозим.

Агар резолюцияда ҳужжатнинг ижросига бир нечта ходим масъул этиб белгиланган бўлса, унинг ижро-си учун фамилияси биринчи кўрсат-илган ходим масъул ҳисобланади.

19. Чикувчи ҳужжатларни расмий-лаштириш ва уларни жўнатиш масъул

котиб томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатларни конвертга солишдан аввал уларнинг тўғри расмийлашти-рилганлиги, иловаларининг мавжудли-ги, ҳужжатни олувчилар сонига ҳуж-жат нусхаларининг мувофиқ келиши текширилади. Нотўғри расмийлашти-рилган ҳужжатлар ижрочига тўғрилаш учун қайтарилади.

Бююртма бўйича юбориладиган ҳужжатга руйхат юборилмаган таш-килотлар руйхати тузилади ва масъул котибнинг фамилияси ҳамда юборил-ган санаси кўрсатилади.

Юбориш учун масъул котибга бер-рилган ҳужжатлар шу куннинг ўзида ёки бир суткадан кўп бўлмаган му-датда расмийлаштирилиши ва юбори-лиши керак.

20. Масъул котиб мунтазам равиш-да келиб тушган, чиқарилаётган, шу жумладан, фуқаролар йиғини ходим-лари томонидан тайёрланган ҳужжат-ларни ҳисобга олиб боради ҳамда йил якуналари бўйича маълумотларни умумлаштиради.

Фуқаролар муурожаатларининг ҳисоби алоҳида юритилади.

21. Келиб тушган (чиқарилаётган) ҳужжатнинг индекси мазкур Низом-нинг 3-иловасида кўрсатилган шаклда йиғмажидлар номенклатурасидаги те-гишли индекс ва руйхатга олиш рақа-мидан иборат бўлади. Қарор ва маж-лис баённомалари индекслари бундан мустасно. Уларнинг индекслари ҳуж-жат турига мувофиқ ҳолдаги руйхатга олиш рақамларидан иборат бўлади.

22. Ҳужжатларни руйхатга олиш ушбу Низомнинг 4-иловасида кўрсат-илган назорат қарточкаларида рас-мийлаштирилади. Назорат қарточкаси рекузитлари таркиби «назорат бел-гилари» устуни «ижрочилар», «ижро-чининг имзоси», «ижро ҳолати» ва бошқалар билан тўлдирилиши мумкин.

Назорат қарточкаларида ҳужжатлар руйхатга олинмаётганда фақат фуқаро-лар йиғинида тузилган ёки бошқа таш-килотлардан юборилган ҳужжатлар (субволяр) мустақил тарзда руйхатга олинishi лозим. Жавоб тарихида юборилган ҳужжатлар назорат қарточ-касининг ўзида белгиланади.

Назорат қарточкаларининг тақвим шкалаеси ҳужжатлар ижроси муддат-ларини назорат қилиш учун қўллани-лади. Унда ҳужжат ижро қилиниши лозим бўлган сана белгиланади.

«Корреспондент» устунига ҳужжат-ни юборган ёки ҳужжат юборилаёт-ган ташкилот номи ёзилади. Фуқаро-лар йиғинининг ички ҳужжати тайёр-ланганда фуқаролар йиғинининг номи ёзилади.

«Ҳужжат келиб тушган сана ва ин-декс» устунида ҳужжат келиб тушган сана ва фуқаролар йиғинида берил-ган индекс кўрсатилади.

«Ҳужжатнинг санаси ва индекси» устунида ҳужжатни юборган ташкилот томонидан белгиланган ҳужжат юбор-илган сана ва индекс кўрсатилади. Чиқиш хати ёки фуқаролар йиғини-нинг ички ҳужжати руйхатга олинган да ушбу устунида руйхатга олинмаётган ҳужжат имзоланган сана ва индекс ёки руйхатга олиш рақами қўйилади.

«Қисқача мазмуни» устунида ҳуж-жатнинг тури, сарлавҳаси ёки қисқа-ча мазмуни кўрсатилади.

«Резолюция ва ижрочи тўғриси-даги маълумотлар» устунида топи-риқ берилаётган шахсининг фамилия-си, масалани ҳал қилиш бўйича қисқа ва аниқ топириқ, бажариш мудда-ти, резолюция муаллифи ва сана кўрсатилади.

«Ҳужжатнинг ижроси тўғрисида маълумот» устунида масаланинг аниқ ечими, жавоб хатининг сана ва ин-декси кўрсатилади. Агар жавоб хати-ни тайёрлаш зарурати бўлмаса, ташаб-бусли ҳужжатдаги масала қачон, ким томонидан ва қандай ҳал қилинганли-ги тўғрисида ёзув киритилади.

«Ҳужжатни олганлиги тўғрисида ижрочининг имзоси ва «Сана» ус-тунларида ижрочи имзо қўяди ва ҳуж-жат олинган сана кўрсатилади.

«Назорат белгилари» устунида ҳужжатнинг ижро муддатларини на-зорат қилиш тўғрисида белгилар қўйи-лади ва ҳужжат ижроси кечикиши-нинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

Назорат қарточкасининг «Фонд №», «Руйхат №», «Йиғмажид №» ус-тунлари архивда тўлдирилади.

Назорат қарточкалари фуқаролар йиғини иш ҳажмига қараб нашр қилинади.

Назорат қарточкалари хроноло-гик тарзда — аввалги вақтдан ке-йинги вақтга тартиби бўйича жой-лаштириб борилади.

23. Фуқаролар йиғинларида назор-ат қарточкаси юритилиши лозим. Бунда ахборотнинг йўқ бўлиб кети-шининг олдини олиш учун ахборот ҳавфсизлиги талабларини бажарган халда махсус автоматлаштирилган ти-зимлардан фойдаланилиши мумкин.

24. Фуқароларнинг муурожаатлари

бўйича назорат картотекаси уларнинг фамилиялари бўйича алфавит тарти-бида ҳамда руйхатга олиш рақами тар-тиби бўйича тузилади.

25. Ҳужжатнинг ҳар бир тури (қарор, баённома, хат ва бошқалар) аниқ белгиланган рекузитлар маж-муига (таркибий қисмларига) ва улар жойлашувининг стандарт тартибга эга бўлиши керак.

26. Ҳужжатларни тузиш ва рас-мийлаштиришда асосий талаблар:

— ҳужжат муаллифини (фуқаро-лар йиғинининг номини, қондага қўра, ҳужжат бланкасида) кўрсатиш;

— ҳужжатнинг турини кўрсатиш, матнга сарлавҳа тузиш, манзил ва са-нани кўрсатиш;

— ҳужжатни индекслаш;

— ҳужжатни тайёрлаган масъул шахснинг имзоси;

— ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тас-диқлаш (имзолаш, муҳрлаш);

— ҳужжатнинг ижро қилинганли-ги ва йиғмажидга жойлаш тўғриси-даги белги.

27. Ҳужжатларни тузиш учун А4 (210Х297) ва А5 (148Х210) шаклдаги бланкалар қўлланилади. Ҳужжат блан-касида 5-иловага мувофиқ рекузит-лар кўрсатилган бўлиши керак.

Аниқ ҳужжатлар турига йил мо-байнида 200 дан ортиқ эҳтиёж бўла-диган ҳолларда бланкаларни нашр қилиш усули бўйича тайёрлашга йўл қўйилади.

Бланкалар чапдан 20 мм, юқори-дан 10 мм, ўнган ва пастдан 8 мм. дан кам бўлмаган ўлчамларда ёзув ки-ритиладиган майдонларга эга бўлиши керак.

28. Икки ва ундан ортиқ варақлар-да тайёрланадиган ҳужжатларнинг ик-кинчи ва кейинги варақлари рақамла-ниши керак. Рақамлар варақнинг юқори қисмининг ўртасида, араб ра-қамлари билан қўйилади, бунда «варақ» сўзи ва тутуқ белгилари қўйилмайди.

29. Ҳужжат турининг номи ҳар бир ҳужжатда (хатлардан ташқари) кўрсатилиши шарт.

30. Ҳужжат сарлавҳаси қисқа шаклда бўлиб, асосий матн мазмуни-ни аниқ ифодалиши керак. Сарлав-ҳаларни ҳужжатнинг номига муво-фиқ ҳолда шакллантириш тавсия эти-лади. Масалан:

*қарор (нима тўғрисида?): «Моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисида», йиғилиш баённомаси (ниманинг?): «Яраштириш комиссияси йиғили-шининг».*

Сарлавҳа варақнинг чап қисмига ёзилади. А5 шаклда тузиладиган теле-граммалар, эслатмалар матнига сар-лавҳа қўйилмайди.

31. Ҳужжатлар ташкилотларга, тар-кибий бўлинмаларга ёки мансабдор шахсга манзили кўрсатилиб юборила-ди. Ташкилот номи ва таркибий бўли-ма номи бош келишда кўрсатила-ди. Масалан:

*Учтепа тумани*

*Электр тармоқлари корхонаси*

*Ҳисоб-китоб бўлимига*

Ҳужжат ташкилот раҳбарига юбо-рилаётганда ташкилот номи ҳужжат-ни олувчининг лавозими номи тарки-бига киритилади. Масалан:

*Тошкент юридик коллежи*

*директори Б.Э.Аллаева*

Агар ҳужжат бир нечта турдош ташкилотларга юборилаётган бўлса, уларни умумлашган ҳолда кўрсатиш керак. Масалан:

*Тошкент шаҳри Чилонзор тумани*

*«Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги таълим*

*муассасалари раҳбарларига*

Ҳужжатда ҳужжатни олувчилар тўрттадан кўп бўлмаган тақдирда улар-нинг номи тўлиқ кўрсатилади.

Ҳужжат беш ёки ундан кўп ман-зилга юборилаётганда ҳужжатни юбо-риш учун руйхат тузилади ва ҳар бир ҳужжатда битта олувчи кўшимча (ёзма ёки босма тарзда) кўрсатиб қўйила-ди. Масалан:

*Тошкент шаҳри Чилонзор тумани*

*«Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги корхоналар,*

*муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига (руйхат бўйича)*

Агар ҳужжат жисмоний шахсга юборилаётган бўлса, аввал почта ман-зили, сунгра олувчининг исми, ота-сининг исмининг бош ҳарфлари ва фа-милияси кўрсатилади. Масалан:

*100129, Тошкент ш.*

*Чилонзор тумани 6-мавзе, 9-уй,*

*69-хонадонда яшовчи*

*С.А.Барноева*

Давлат ташкилотлари ва доимий корреспондентларга юборилаётган ҳуж-жатларга почта манзили қўйилмайди.

32. Ҳужжатлар санаси расмийлаш-тирилаётганда йил, сана ва ойнинг тар-тиб рақами араб рақамларида қўлла-нилади. Масалан: *29.04.2012 й.*

Молиявий тўсдаги маълумотларга эга ҳужжатларда санани расмийлаш-тиришда сўз ва рақамлардан фойда-

ланишга йўл қўйилади. Масалан: *2012 йил 15 апрель.*

33. Ҳужжат лойиҳасининг ички келишуви (фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тар-бия масалалари бўйича маслаҳатчи-си, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари билан) шах-сий имзодан ташқари, исми, ота-сининг исмининг бош ҳарфлари, фа-милияси ва имзолаш санасини ўз ичи-га олган тегишли визалар билан рас-мийлаштирилади. Зарур ҳолларда виза қўяётган шахснинг лавозими ҳам кўрсатилади.

Ҳужжат бўйича кўшимчалар ва эътирозлар алоҳида варақда келтири-лади. Масалан:

*Фуқаролар йиғини раиси*

*(оқсоқоли) маслаҳатчиси*

*(имзо) С.М.Мирзаев*

*Кўшимчалар ва эътирозлар илова қилинади. 05.06.2012 й.*

Визалар «Имзо» рекузитидан қў-йида ёки ҳужжатнинг охириги варағи орқасига қўйилади.

Ташқи келишувда (бошқа ташкилот-лар билан) келишув грифи, келишув маълумотномаси расмийлаштирилади.

Келишув грифи «Имзо» рекузит-идан қуйида ёки ҳужжатнинг охи-риги варағи орқасига қўйилади. У қуйи-даги элементларни ўз ичига олади:

«Келишилган» сўзи, келишган мансаб-дор шахс лавозими (ташкилот номи ҳам кўрсатилади), шахсий имзо, исми, отасининг исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси, сана. Масалан: